

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**«ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИНИНГ  
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ» МОДУЛИ БЎЙИЧА  
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент 2020**

Модулнинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги № 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган намунавий ўқув режа ва дастурлар асосида ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:** ЎзМУ, “Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси,  
А.А. Бийкузиев

**Тақризчилар:** З.Полатходжаев – ЎзХИА “Халқаро муносабатлар”  
кафедраси катта ўқитувчиси.

**Хорижий эксперт:** т.ф.д, проф. В.В.Демидов – СИУ  
РАНХиГС (Россия), Халқаро муносабатлар ва  
ижтимоий ҳамкорлик кафедраси мудири.

*Ўқув -услугий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг  
қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги №3 -сонли  
баённомаси)*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	13
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	16
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	42
V. ГЛОССАРИЙ.....	51
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	54

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** Модулнинг асосий мақсади Халқаро муносабатлар ва дипломатия тушунчаларининг вужудга келган даврдан бошлаб ҳозиргача мавжуд халқаро дипломатик муносабатларни бошқариш масалаларини шаклланиш жараёни, жамиятнинг ривожланишига дипломатиянинг қўшган ҳиссаси ва аҳамиятини чуқур таҳлил қилишдан иборат. Халқаро муносабатлар тарихининг долзарб масалалари тарихини ўқитиш орқасидан тингловчиларга халқаро дипломатик муносабатларнинг ривожланиш ҳақидаги тасаввурлар уйғотилади, Халқаро муносабатлар инсоният тарихининг ажралмас қисми эканлиги, қадимги дипломатия марказлари ва уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни очиқ берилди.

### **Модулнинг вазифалари:**

- Халқаро муносабатлар тарихининг долзарб масалалари модули йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш, тингловчиларни халқаро сиёсий майдонда содир бўлаётган ҳодисаларга муносабат билдиришни англашти;

- Халқаро муносабатлар тарихини долзарб масалаларини ўқитиш бўйича педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- Халқаро муносабатлар тарихини долзарб масалаларини мутахассислик фанларидан бири сифатида, ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- Халқаро муносабатлар тарихи соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

- Халқаро муносабатлар тизимида собир бўлаётган воқия ва ҳодисалар билан тингловчиларни атрафлича таништириш орқали тингловчиларни комил инсон сифатида шаклланишига ёрдам бериш

- Халқаро муносабатлар тарихини долзарб масалалари модули бўйича “Тарих” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан

ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- “Шарқ Уйғониш даври”, Ғарб Ренессанси ва унинг босқичларини;
- Халқаро муносабатлар тарихининг долзарб муаммолари фанини ўқитишни ташкил қилишнинг хорижий тажрибалар;
- халқаро муносабатлар бўйича назариялар, уларни амалда қўлланилиши ва замонавий муаммоларни таҳлил этишдаги назарий — услубий ёндашувлар.
- сўнгги йилларда замонавий халқаро муносабатлар тарихисоҳасидаги ютуқлар ва истиқболлар каби масалаларни *билиши* керак.
- тарихий жараёнларни тўғри англаш, таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш;
- илмий мақолалар тайёрлаш ҳамда тавсияларини ишлаб чиқиш;
- илғор тажрибалардан фойдаланиш;
- ўз устида ишлаб, фаннинг янги тадқиқотларини ўқитиш тизимини қўллаш;
- педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри қўллай олиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.
- Халқаро муносабатлар тарихини долзарб масалаларини цивилизация таракқиёт давомида эришган ютуқларини таълим жараёнида қўллашнинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини билиш;
- “Халқаро муносабатлар тарихини долзарб масалаларини” фанидан тингловчилар ҳар бир тарихий даврда тарихий тадқиқотлар қўлами, ҳар бир даврнинг ўз долзарб муаммосини тадқиқотлари ва соҳа бўйича замонавий усулларини қўллаш *малакаларига* эга бўлиши лозим
- фан бўйича эгаллаган билимларини таҳлил қилиш; цивилизация соҳасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тўпланган тарихий тажрибани илмий ва педагогик амалиётда самарали қўллаш малакаларига эга бўлиши;
- креативлик ва ижодийликни Халқаро муносабатлар тарихини долзарб масалаларини фанларни ўқитишда қўллана олиши;
- халқаро муносабатлар тарихининг долзарб муаммоларининг, ривожланиб бориш жараёнлари ва долзарб муаммолари оид масалаларни тарих фанларини ўқитишда қўллана олиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Модулни ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

– модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган;

– маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

– ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Халқаро муносабатлар тарихининг долзарб масалалари” модули мазмуни ўқув режадаги “Жаҳон мамлакатларининг фан ва техника тараққиёти тарихи”, “Тарих фанида давлатчилик масалалари: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги давр” ва “Жаҳон цивилизацияси тарихининг долзарб муаммолари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг таълим жараёнида булутли ҳисоблаш, катта маълумотлар ва виртуал реаллик тизимларидан фойдаланиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнида дунёда содир бўлаётган воқия ҳодисаларга тарихий жихатдан ҳолис ёндашишни ўрганадилар. Шу билан бирга қадимдан то ҳозирга қадар, дунё давлатлари ўртасида давом этаётган халқаро муносабатлар тизимини ёритиш услубларини билиб олади.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модуль мавзулари	Аудитория укув юкламаси			
		Жами	жумладан		
			Назарий	Амай машғулот	Кўчма машғулоти
1.	Қадимги Шарқда халқаро муносабатлар ва дипломатия	2	2		
2.	Қадимги Юнонистонда халқаро муносабатлар ва дипломатия.	2	2		
3.	Халқаро муносабатларнинг асосий масалалари. Дипломатиянинг моҳияти.	2	2		
4.	Спарта ва Афина ўртасидаги рақобат. “Анталкид” сулҳи.	2	2		
5.	Коринф конгресси. Александр Македонскийнинг юришлари.	2	2		
6.	Византия ва “варварлар” давлатлари. Византияда халқаро ва дипломатик алоқалар шакллари.	2		2	
7.	XIX асрнинг охири чорагида халқаро муносабатлар ва дипломатия. Россия-Туркия уруши (1877-78 йй.) ва Берлин конгресси.	2		2	
8.	Потсдам конференциялари. БМТ-нинг ташкил этилиши.	4		4	
9.	“Совуқ урушнинг” бошланиши. НАТО ва Варшава шартномаси ташкилоти.	2		2	
	<b>Жами:</b>	<b>20</b>	<b>10</b>	<b>10</b>	

### НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-мавзу. Қадимги Шарқда халқаро муносабатлар ва дипломатия

(2 соат).

- 1.1. Қадимги Мисрда халқаро муносабатлар ва дипломатия.
- 1.2. Қадимги Месопотамияда халқаро муносабатлар ва дипломатия.
- 1.3. Қадимги Хитойда халқаро муносабатлар ва дипломатия.



## **2-мавзу. Қадимги Юнонистонда халқаро муносабатлар ва дипломатия**

**(2 соат).**

- 2.1. Афина полиси дипломатияси.
- 2.2. Афина ва Спарта ўртасидаги дипломатик муносабатлар.
- 2.3. Юнон-Македон империясининг ташқи сиёсати.
- 2.4. Эллин давлатлари дипломатияси.

## **3-мавзу. Халқаро муносабатларнинг асосий масалалари. Дипломатиянинг моҳияти (2 соат).**

- 3.1. Дипломатия ва ташқи сиёсат.
- 3.2. Дипломатияда Статус куо тушунчаси.
- 3.3. Ташқи ишлар вазирлиги бошқаруви тизими.

## **4-мавзу. Спарта ва Афина ўртасидаги рақобат. “Анталкид” сулҳи (2 соат).**

- 4.1. Қадимги Спарта дипломатияси.
- 4.2. Афина ва Спарта полислари ўртасидаги дипломатик муносабатлар
- 4.3. Полислар ўртасидаги рақобат дипломатияси.

## **5-мавзу. Коринф конгресси. Александр Македонскийнинг юришлари**

**(2 соат).**

- 5.1. Македониянинг юксалиши.
- 5.2. Афина ва Македониянинг дипломатик муносабатлари
- 5.3. Александр Македонскийнинг ташқи сиёсати.
- 5.4. Эллинизм.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-амалий машғулот.** Византия ва “варварлар” давлатлари. Византияда халқаро ва дипломатик алоқалар шакллари (2 соат).

**2-амалий машғулот.** XIX асрнинг охири чорагида халқаро муносабатлар ва дипломатия. Россия-Туркия уруши (1877-78 йй.) ва Берлин конгресси (2 соат).

**3-амалий машғулот.** Потсдам конференциялари. БМТ-нинг ташкил этилиши. (4 соат).

**4-амалий машғулот.** “Совуқ урушнинг” бошланиши. НАТО ва Варшава шартномаси ташкилоти (2 соат).

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган



### Хулосалаш (Резюме, Елпиғич) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли ҳарактеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича

ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна.**

**Фикр:** “Замонавий геосиёсатнинг долзарб муаммолари қандай масалаларни ёритади?”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу: Қадимги Шарқда халқаро муносабатлар ва дипломатия.

##### **РЕЖА:**

- 1.1. *Қадимги Мисрда халқаро муносабатлар ва дипломатия.*
- 1.2. *Қадимги Месопотамияда халқаро муносабатлар ва дипломатия.*
- 1.3. *Қадимги Хитойда халқаро муносабатлар ва дипломатия.*

**Таянч иборалар:** *Ном, Юқори Миср, Тамкарлар, Чати, Иунтиу, Шердане, Ишякумма, Купанта Инарес. Халқаро муносабатлар тушунчаси таҳлили. Сиёсий кучлар мувозанати ўртасидаги ягона маданият масалалари, ўзига хослик, хилма-хилликнинг ўзаро боғлиқлиги.*

#### **1.1. Геосиёсат тушунчаси.**

Милоддан аввалги III - II минг йилликлардаги Месопотамиянинг ташқи сиёсий тарихи, биринчи галда, Месопотамия ичкарасида мавжуд бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатлар тарихидир. Ёзув олди даврининг охири ва илк сулолалар даврининг бошида Месопотамияда йигирмага яқин “ном” турдаги шаҳар - давлатлар мавжуд эди. Месопотамияда гегемонлик қилишга қаратилган даъволар даставвал “Киш подшоси” унвонига эга бўлиш билан боғлиқ бўлганди. “Киш лугали” унвони подшо - гегемоннинг анъанавий унвони бўлиб қолди.

Месопотамиянинг ташқи алоқалари асосан шарқ томон қаратилган эди. Милоддан аввалги IV минг. йилликда Месопотамия Эроннинг ясси тоғлик ҳудудлари билан жадал савдо алоқаларига эга бўлган.

Милоддан аввалги III минг йилликда Месопотамияга келтирилган маҳсулотларнинг аксарият қисми айнан савдо орқали таъминланарди. Бу эса табиийки, савдо алмашувининг йўлга қўйилган тартибини назарда тутди. Қолаверса, савдо қарвонларининг эркин қатновини таъминловчи ўзаро кафолатлар ҳам мавжуд бўлиши керак эди.

Киш ҳукмдори Менбарагесси (мил. авв. 2600 й.) иштрокидаги бизга маълум бўлган ҳарбий тўқнашувлардан энг қадимгиси Элам билан боғлиқ эди. Элам кейинги асрлар давомида Месопотамия давлатларининг энг хавфли душмани бўлиб келди. Месопотамия айнан шу пайтда тўхтовсиз ҳарбий тўқнашувлар даврига кириб борганди. Киш ҳукмдорларидан ташқари, Ура, Урука, Лагаш ҳукмдорлари ҳам ўзларини “Киш подшоси” деб номлай бошладилар. Аккад сулолаларига тегишли бўлган шоҳлар кейинчалик ушбу унвонни ўзларининг унвонлари қаторига киритдилар. Икки йирик “ном” лар - Лагеш ва Умма ўртасида икки асрдан кўпроқ вақт давомида чўзилган

тўқнашувни, ҳамда “Киш подшоси” Месилимнинг ушбу низода ўйнаган ролини ёритиб берадиган бир қатор матнлар бизгача етиб келган. Бу ердаги воқеалар “икки даражада” рўй берди: Энлиль (Шумернинг олий худоси) Нингерсу (Лагашга ҳомийлик қилган худо ) ва Шара ( Умма шахрига ҳомийлик қилган худо ) ўртасида чегара ўрнатди, яъни улар ўртасидаги низони ҳал этди. “Ном” лар ўртасидаги тўқнашув шундай қилиб, ушбу “ном”- ларнинг илохлари ўртасидаги низо сифатида ифодаланади ва худолар орасида ҳал этилади. Демак, бизга маълум бўлган энг қадимги келишувлардан бирида замонавий халқаро - ҳуқуқий амалиётнинг кўплаб элементларини кўришимиз мумкин: аниқ белгиланган ерларга эгалик қилиш даъволари негизида юзага келган низо, ҳакамлар суди, жанжалда иштрок этган биринчи томоннинг талаш бўлиб турган ерлар устидан суверенитетининг тан олиниши, ҳамда шу пайтнинг ўзида иккинчи томонга ушбу ерларни ижарага топширилиши. Тўқнашув, гоҳ пасайиб, гоҳ авж олиб, Умма ҳукмдори Лугаль загеси Лагашни ҳал қилувчи мағлубиятга учратмагунча ( тах. Мил. авв. 2312 й. ) давом этди. Лугальзагеси ҳеч қандай истилочилик мақсадларга эга бўлмаганлигига инонтитарди ва фақат “адолатни” тиклаганлигини таъкидлайди.

Шу тарзда Месопотамия давлатлари ўртасидаги энг қадимги ва яхши ҳужжатлаштирилган тўқнашувлардан бири яқунланди. Бўлиб ўтган воқеаларнинг кўплари, ҳамда тўқнашув ҳақидаги расмий хабарларнинг фразеологияси (барқарор сўз бирикмалари ва иборалар ) уч - тўрт минг йилдан сўнг рўй берган жараёнларни хайрон қоларли даражада эслатади.

Мамлакатни бирлаштиришга қаратилган тенденция ҳақида “Мамлакат лугали” деб номланган янги унвоннинг пайдо бўлиши далолат беради. Милоддан аввалги III - II минг йилликларда марказдан қочирма кучлар марказга интилма кучлардан қудратлироқ эдики, бунинг оқибатида сиёсий тарқоқлик ҳолати ўша даврдаги Месопотамия учун хос эди.

Бутун Месопотамия ҳудудларини ўз ичида қамраб олган давлатни биринчи бор Саргон барпо этди. Ушбу давлат ўзининг ички тузилиши жиҳатидан ҳам конфедерация, ҳам марказлашган давлатни эслатадиган кўриниш касб этганди. Саргон томонидан барпо этилган давлат Осиёдаги биринчи “буюк” давлат эди, Яқин Шарқда эса - иккинчи ( Мисрдан сўнг ) Олд Осиёдаги халқаро вазият шаҳар - давлатлар ва уларга тўғридан - тўғри таҳдид солган “буюк” давлат ўртасидаги қарама - қаршилик билан ифодаланади. Шарқ ( Элам ) ва ғарбга ( Сурия ) қаратилган юришлар энди Месопотамия ҳукмдорлари учун анъанавий тусга кирди. “Тўрт иқлим подшоси” Нарам - Син ва эламликлар ҳукмдори Хит ўртасидаги бизга маълум бўлган биринчи халқаро шартнома Элам замонидан ҳозирги кунгача етиб келган. Ушбу шартномага кўра Элам подшосининг мажбуриятлари куйидагилардан иборат эди:

1. Аккадага нисбатан тўла лояллик ( самимият ) ( Эламда Нарам-Синга нисбатан ғанимлиқка йўл қўймаслик, Аккаднинг ҳар қандай душманларига қарши ҳаракатларда унга ҳарбий ёрдам кўрсатиш );

2. Қочоқларни тутиб бериш, яъни Нарам – Синга душманлик қилганларга панох беришдан воз кечиш.

Асосан Элам билан олиб борилган урушлардан ташқари рўй берган ташқи сиёсий воқеалар ҳақида маълумотлар кам. Элам билан муносабатлар ёмон ёки жуда ёмон ҳолатда бўлар эди. Шу пайтгача мутлақо нуфузга эга бўлмаган Бобилнинг сиёсий тартибсизлик шароитида юксалиши нафақат ҳарбий муваффақиятлар, балки мақсадга интилувчан ва ўта усталик билан олиб борилган дипломатиянинг натижаси эди. Сулолавий никоҳлар тўғрисида ҳам маълумотлар учрайди. Иттифоқлар ( тенг ҳуқуқли ёки тенгсизми, лекин барибир умри қисқа ) кўплаб миқдорда тузилардилар. Агар иттифоқ тенг ҳуқуқли бўлмаса, унда подшо - гегемон қарам подшоликларга, уларни доимо назорат қилиш мақсадида, ўзининг “маслаҳатчиларини” ( хазиану ) юборарди. Қарам подшолар бундай иттифоқнинг раҳбарига юборган мактубларида уни “ота” ёки “хукмдор” деб номлашади. Уларнинг мажбуриятлари афтидан, битимларда аниқ белгиланган ва биринчи галда ҳарбий ёрдам кўрсатишдан иборат бўлган. Иттифоқ тузилиши худолар олдида қасам ичиш билан мустаҳкамланган. Сиёсий мақсадларга эришиш йўлида ҳарбий куч, айёрлик, пора бериб сотиб олиш, исёнларни келтириб чиқаришдан фойдаланилган. Ушбу барча усулларни Бобил сулоласи энг муваффақиятли тарзда қўллаган.

Сиёсий мақсадларга эришиш йўлида иқтисодий “ёрдам” дан фойдаланилган ҳолат ҳужжатлар негизида ўз тасдиғини топган тарзда биринчи мартаба тарихда Мари ва Бобил ўртасидаги муносабатларда қайд этилган.

Хаммурапи барпо этган давлат, гарчанд, у ўз бунёдкоридан кейин кўп умр кўрмаган бўлса ҳам, бутун Месопотамияни ва ҳаттоки Эламнинг бир қисмини қамраб олганди. Айнан Хаммурапи ва унинг ворислари давлати марказлашган давлат деб номланиши мумкин.

Дипломатиянинг қадимги Мисрнинг сиёсий ҳаётида ўйнаган роли ҳақидаги сақланиб қолинган маълумотлар асосан гиксослар ҳукмронлиги ва кейинги Янги подшолик даврига оид.

Гиксослар ҳукмдорлари, Миср фиръавнлари каби, ўз ҳокимиятини бутун Нил водийсига ёйишди. Ушбу даврда Миср сиёсий жиҳатдан, гиксос фиръавнларига нисбатан ўз қарамлигини тан олган бир қатор унчалик катта бўлмаган эгаликлардан иборат эди. Айни ўша пайтда Миср ва Осиё мамлакатлари ўртасида қалин иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилди.

Нил водийсининг жанубида, Фивада, ўзларини фиръавнлар деб эълон қилган юқори Миср ҳукмдорларининг маҳаллий сулоласи юксала бошлади. XVII сулолага оид Фива фиръавнларининг гиксослар ҳукмдори Апопига қарши олиб борган озодлик кураши даврида Мисрда юзага келган мураккаб сиёсий вазият ҳақида бизга маълум бўлган манбалар далолат беради.

Ушбу курашда дипломатик ёзишмалар, элчиларни юбориш, иттифоқлар ва битимлар тузиш, ҳамда сулолавий никоҳлар катта роль ўйнаган. Гиксослар ҳукмронлиги давридаги Мисрнинг давлат тузилиши турли шартномаларнинг имзоланиши, ҳамда гиксос ҳукмдорлари ва уларга



қарам бўлган маҳаллий ҳокимлар ўртасидаги сулолавий никоҳларнинг юзага келишини рағбатлантирарди.

Гиксосларга қарши узоқ давом этган озодлик кураши Фива фиръавнларининг тўла ғалабаси билан якунланди. Янги подшолик даври қадимги Миср дипломатиясини Ал - Амарна архивида топилган хатлар ажойиб тарзда тасвирлаб беради. Ал - Амарна архиви - мил. авв. XIV асрга оид тарихий матнларнинг ноёб мажмуасидир. Ал-Амарна архивининг деярли барча сопол лавҳаларида дипломатик тусдаги хатлар қайд этилган. Ушбу хатлар Аменхотеп III ва Аменхотеп IV саройига Бобил, Митанни, Оссурия, Хеттлар подшолиги, Арцава мамлакати, Кипр ороли, ҳамда Миср томонидан бўйсундирилган Фаластин, Сурия, Финикия шаҳар - давлатлари ҳукмдорларидан етиб келган. Ушбу тарихий даврда Миср Яқин Шарқнинг энг қудратли давлатларидан бири эди. Даставвал фақат Митанни ва касситлар Бобилни унга тенг келадиган давлатлар эди Аменхотеп IV ҳукмронлиги даврида эса Кичик Осиёда Хеттлар подшолиги анчагина кучайди.

Ушбу даврда Мисрнинг Осиёдаги эгаликлари Амуру, Упе ва Ханаан деб ном олган йирик ҳудудий қисмлардан - “вилоят” лардан иборат эди ва мисрлик ноиблар томонидан бошқариларди. Олд Осиёда Миср ҳокимияти остидаги ерларни идора қилишга таалукли масалалар билан подшонинг “Фиръавн мактублари уйи” номли махсус муассасаси шуғулланган. “Фиръавн мактублари уйи” - га раҳбарлик қилган амалдор жуда катта таъсирга эга бўлган. Ушбу шахс Мисрнинг Олд Осиёдаги эгаликларни бошқаришга оид барча масалалар бўйича фиръавннинг маслаҳатчиси эди.

Мисрликлар, одатда, забт этилган Олд Осиё вилоятларининг анъанавий сиёсий тузилишини ўзгартирмаганлар. Фиръавн ва Мисрда қарам бўлган Фаластин ва Сурия ҳукмдорлари ўртасидаги ёзишмаларда мурожаат қилишнинг маълум қоидаларига риоя қилинган. Тенг ҳуқуқли ва дўстона муносабатларда бўлган подшолар бир - бировларини “биродар” дея аташган. Қудрат жиҳатдан устунроқ ёки ёши каттароқ ҳукмдорга “ота” деб мурожаат қилишган, ўзини эса “ўғил” дея аташган. Қарам ҳокимлар юборган хатларда фиръавнни “ҳукмдор ( ёки султон, жаноб )”, ўзларини “қул”, “қарол (хизматкор)” дею номлашган. Олқишлаш, табриклаш ва алоқа қилишнинг маълум шакллари мавжуд бўлган. Қарам ҳокимлар ўзларининг тайинланиши чоғида, ҳамда Мисрда янги ҳукмдорнинг ҳукмронлиги бошланганда махсус формула бўйича содиқлик қасамини ичиши лозим эди. Гаровга олиш маҳаллий ҳокимларни итоаткорлик ҳолатида сақлаб келишга ва бўйсундирилган ерларда Мисрнинг таъсирини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи муҳим восита эди.

Хатти мамлакатининг ташқи сиёсатида сулолавий никоҳлар муҳим ўрин эгаллаган. Хетт подшоларининг қизларига бош хотин, яъни мамлакат маликаси мақомини кафолотловчи шартлар илгари суриларди. Хеттларнинг сулолавий никоҳларига оид концепцияси айнан шунда ўз ифодасини топган.

Хетт подшолигининг ташқи сиёсатида элчилар, вакиллар, чопарлар ва бошқалар муҳим роль ўйнаган. Хетт анъаналарида дипломатик элчилик

вазифасини адо этувчи мансабдор шахс, “асо одами” ( герольд ) унвонига эга бўлган инсон учрайди. Ушбу даража элчи ва вакил даражасидан юқори ҳисобланган, чунки “асо одами” унвонига кўп ҳолларда подшо уруғига аъзо бўлган амалдорлар эга эди.

Ҳукмдорларнинг дипломатик муносабатларида мирзалар ( котиблар ) муҳим роль ўйнаган. Айнан улар нафақат ўз ҳукмдорининг кўрсатмаларига, балки, биринчи галда хеттларнинг ўзида шаклланган мезонларга таяниб, шартномалар ва хатларнинг матнларини тайёрлашган.

Хетт жамиятининг талабаларидан келиб чиқиб, мирзалар бир неча тилларни билишлари лозим эди. Бунга уларни махсус мирзалик мактабларида ўргатишган.

Милоддан аввалги I минг йилликда Яқин Шарқ мамлакатларида иқтисодий юксалиш рўй берди. Давлатлар ўртасида доимий, ва биринчи галда савдо алоқалар, шунингдек, сиёсий, дипломатик ва маданий муносабатлар йўлга қўйилди. Минтақа эса ушбу даврда тўхтовсиз урушлар майдонига айланиб борди.

Яқин Шарқ харитаси ва ундаги кучларнинг ўзаро нисбати тубдан ўзгарди. Аллақачонлар кучли бўлган давлатлардан ( Хетт подшолиги, Митанни ) фақатгина парчалар қолди-ки, уларни бошқа қудратлироқ давлатлар аста - секин ютиб юборди. Иккинчилари сақланиб қолган бўлса ҳам, бироқ ички ва ташқи сиёсий таназулни бошидан кечираётган эдилар. Бунинг натижасида, улар қачонлардир жаҳон сиёсатида ўйнаган етакчилик ролини бошқа давлатларга, айниқса Оссурияга топшириб қўйишди. Милоддан аввалги I минг йилликда ўша давр кўламларига кўра “жаҳон” гегемонияси учун улкан қамровли кураш олиб борилди-ки, унда энг қудратли давлатлар ғолиб чиқишди. Бу эса, ўз навбатида, дастлабки “империялар”нинг, йирик ҳарбий - сиёсий бирлашмаларининг, ўзига хос “жаҳон” миқёсидаги салтанатларнинг барпо этилишига олиб келди.

Бундан аввалги даврлардаёқ Оссурия Яқин Шарқ давлатлари орасида аста - секин юксалиб борди. Милоддан аввалги IX асрда Оссуриянинг ташқи сиёсати тўрт йўналиш ( шимолий, жанубий, шарқий ва ғарбий ) бўйича ривожланди. Яқин Шарқда Оссурия давлатининг мавжуд бўлгунча, бир томондан узлуксиз тарзда ҳарбий - сиёсий иттифоқлар ташкил этиларди, иккинчи томондан, эса - Оссурия ушбу иттифоқларнинг тарқаб кетиши учун барча ҳаракатларни қиларди ва уларни бирма - бир бўйсундиришга интиларди.

Милоддан аввалги VIII асрнинг биринчи ярми Оссурия учун чуқур инқироз ва тушкунлик даври бўлди. Инқироз ҳолати Оссуриянинг халқаро мавқеига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Оссурия давлатининг ташқи сиёсий қудрати мил. авв. VIII асрнинг иккинчи ярмида, ҳокимият тепасига Тиглатпаласар III ( мил. авв. 745 - 727 йй. ) келганда тикланди. Тиглатпаласар III замонида асосий эътибор яна ғарб мамлакатларига қаратилди. Жанубда ҳам унга омад кулиб боқди. Бобил учун оссурияликларга қарши кураш олиб борган ҳалдей қабилалари устидан ғалаба қозонилди. Тиглатпаласарнинг ўзи Пулу номи билан Бобилда тож кийган. Бу орқали Оссурия маълум даражада

мойил сиёсат ва дипломатияга эга эканлигини намоён қилди, чунки Бобилга махсус мақом берилди.

Иш юритиш Оссурия давлатида икки тилда олиб бориларди: аккад тилининг оссурия шеvasида ва арамей тилида. Дипломатик тусдаги ҳужжатлар орасида номалар, хатлар, “муҳрли ҳужжатлар”, “узук ости” ҳужжатлар, оддий “ҳужжатлар” (“табличкалар” - сопол парчалари ), махфий мактублар, маълумотлар ва бошқалар тилга олинади. Музокараларда турли даражадаги омилкор ва эътиборли кишилар қатнашган.

Давлат номидан музокараларни подшолар, шахзодалар, тахт ворислари, подшо амалдорлари: абаракку, рабшаку ва бошқ, элчилар, чопарлар (“мар шипри” ) олиб боришган, саркардалар ва аҳоли истиқомат қиладиган жойларнинг бошлиқлари ҳам учрайди. Оссурия разведка (жосуслик) хизматининг жуда катта ва кўп тармоқли аппаратига эга эди. Разведка (жосуслик) масалалари билан одатда шахзода - тахт вориси шуғулланарди.

Ашшурбанапал ҳам, тахт вориси деб эълон қилингандан сўнг разведка (жосуслик ) масалалари билан фаол шуғулланди. Ашшурбанапалнинг подшолик даврида эса разведка (жосуслик) Оссурия ташқи сиёсатининг эҳтиёжларини қондириш йўлида ғайрат билан ишларди. Оссурия дипломатиясининг ҳаракатлари ҳамкор - давлатларнинг ички зиддиятларини, ушбу давлатлар таркибидаги турли вилоятларнинг ва айниқса қабилаларнинг сепаратизмини, уларнинг бошқа давлатлар билан қарама - қаршилигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Буларнинг барчаси ҳақидаги маълумотларни Оссурия маъмуриятига, шу жумладан дипломатия хизматига, разведка (жосуслик ) етказиб берарди.

Манбаларнинг ўзига хос хусусиятга эга эканлиги Қадимги Ҳиндистон тарихининг ҳар қандай йўсинларини ўрганишдаги энг асосий қийинчиликлардан биридир.

Бирор - бир архив ҳужжати бизгача етиб келмаган, бирор - бир қадимги ҳинд йилномаси маълум эмас, ёзувлар эса кам сонли ва ҳар доим ҳам етарли даражада маълумотларга эга эмас.

Қадимги ҳинд ташқи сиёсат назарияси бўйича асосий манба Каутильяннинг “Артхашастра”-си ҳисобланади ва ҳозирда унинг санаси милодий биринчи асрлар билан белгиланади. Ушбу асарда давлат тузилиши, маъмурий - ҳўжалик бошқаруви, суд ишлари, ҳарбий ва дипломатик саънат бўйича маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари нитишастра туридаги асарлар ҳам борки, уларнинг асосий мазмуни подшоларга ахлоқий насихатлар, шунингдек ички ва ташқи сиёсатига оид маслаҳатлардан иборат. Қадимги Ҳиндистонда давлатлараро муносабатлар назариясининг асосида мандала (яъни “доира”, одатда “давлат доираси” маъносида изоҳланади ) концепцияси ётади.

“Истилолар қилишга интилган” ҳукмдор учун ўз рақибларини бўйсундириш фақатгина энг биринчи мақсад деб ҳисобланган. Агар унга эришса, кейинги мўлжал - бу “ўртадаги” ва “бетараф” ҳукмдорларнинг ерларидир. Ушбу истилоларнинг натижасида дунё устидан ҳукмронлик ўрнатилиши лозим эди.

Мандала - бу ташқи сиёсатга оид муайян ҳаракатлар ва чора - тадбирлар мажмуаси сифатида тасаввур қилиш мумкин - ки, у янада йирик давлатга айланиб кетиш тенденциясига эгадир. Буюк давлатнинг (ва охири келиб “жаҳон” салтанатининг) барпо этилиши сиёсатнинг охириги мақсади деб ҳисобланган.

Душман устидан ғолиб чиқишнинг энг муҳим воситаси сифатида у ва унинг иттифоқчилари орасида адоватни келтириб чиқариш, рақиб иттифоқчилари билан сепарат (бошқалар билан келишилмаган, бир томонлама) шартномалар имзолаш ёки уларга тўғридан - тўғри ҳарбий ёрдам кўрсатиш, яъни душман мандаласини парчалаб ташлаш тан олинган. Мандаланинг яна бир аҳамиятли хусусиятини таъкидлаш керак: подшонинг иттифоқчилари, тахтда ўтириб ва ҳокимиятга эга бўлиб, ўз иттифоқчиларини ҳам сақлаб қолишган.

“Артхашастра” тузувчиси, қасам ичиш маросимида қисқача тўхталиб, кулайроқ усул сифатида тан олинган гаровга олишнинг муҳокамасига асосий эътиборини қаратган. “Тинчлик” давлатларнинг узоқ ва доимо бирга (бир жойда ва бир вақтда) мавжуд бўлишини англамасди. Тинчликка эришиш фақатгина кучлироқ душман устидан ғолиб чиқишнинг энг яхши воситаси сифатида тавсия этиларди. Муроса - мадора муносабати билан “сиёсатнинг тўрт усули” ҳам тилга олинади. Булар - “ўғитлар, панд - насихатлар”, “совғалар”, “низо уруғини сепмоқ” ва “куч ишлатиш”. Ушбу усуллардан бирин - кетин фойдаланиш мумкин. Муросага келиш айниқса душманга нисбатан очикдан - очик куч билан қаршилик қилишга ожиз бўлган заиф подшоларга тавсия этилади.

Дипломатик тусдаги турли хил шартномаларнинг таърифига “Артхашастра”да катта эътибор қаратилган. Улар орасида тенг ҳуқуқли ва тенгсизлари, фойдали ва фойдасизлари, шартлари мавжуд ва шартлари йўқ шартномалар алоҳида белгилаб кўрсатилган.

Ташқи сиёсатнинг анъанавий усуллари орасида аҳамияти жиҳатдан иккинчи ўринда уруш туради. Уруш барча усуллардан фойдаланиб бўлгандан кейингина, охириги восита сифатида кўрилган. Подшога ғалабаларга жангсиз эришиш тавсия қилинган, чунки тинч йўл билан бўйсундириш камроқ кучни ва харажатни талаб қилади.

“Дута” (“элчи”) атамасининг брахманларда тилга олиниши элчилик хизмати Ҳиндистонда давлатчилик тараққиётининг илк босқичида ( мил. авв. I минг йилликнинг биринчи чораги ) вужудга келган деб сўз юритишга имкон берарди.

Каутильяннинг “Артхашастра”сида махсус боб элчининг вазифаларига бағишланган. Шу ерда, жумладан, элчиларнинг туркумлари келтирилган - “мухтор”, “чекланган ваколатларга эга” ва “чопар” (мактублар етказувчи).

Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида Шан давлати мавжуд эди ва унинг таъсири Шимолий Хитойдаги илк давлатчилик тузилмаларига, ҳамда қабилавий уюшмаларга ёйилганди. Милоддан аввалги II минг йилликнинг охирида Хитойнинг шимолий-ғарбий қисмида истиқомат қилган чжоу қабилалари

шанликларни забт этишди ва ғарбий Чжоу номи билан маълум бўлган анчагина йирик давлатни барпо қилишди. Чжоу давлатининг пойтахти Хао шаҳридан Лои шаҳрига (замонавий Лоян) кўчирилиши билан (милоддан аввалги 770 йил) Шарқий Чжоу сулоласининг даври бошланди.

Хуанхэ дарёси ўрта оқими ва Буюк Хитой текислигида жойлашган давлатлар, қолган барча халқлар ва подшоликлардан фарқлироқ тарзда, ўзларини хуася этномаданий бирлиги қаторига киргизишган ва “ўртадаги давлат” -лар деб номланишган. “Ўртадаги подшолик”-ларнинг барчаси Чжоу давлатининг устунлигини тан олишган. Чжоу ҳукмдори – ван “Само ўғли” илохий унвонига эга эди, “ўртадаги подшолик”-ларнинг ҳукмдорлари эса уни Хитойдаги олий диний нуфузга эга бўлган шахс сифатида иззат қилишган.

Ҳамонки ушбу подшоликлар ўртасидаги урушлар доимо бўлиб ўтар экан, давлатлараро муносабатлар, улар ўртасида иттифоқлар тузиш тартиби, разведкани (жосусликни) ташкил этиш масалаларига оид бой амалий тажриба асрлар давомида тўпланди. Айниқса охиргиси катта роль ўйнаган. Шу пайтда давлатлараро муносабатлар назарияси ва амалиётига тааллуқли таълимотлар ва доктриналар яратилди. “Ўртадаги подшоликлар” - “хуася” ва “варварлар”-нинг ўхшаш эмаслиги тўғрисидаги тасаввурлар шаклланди ва бу ҳол ташқи сиёсий алоқалар тамойилларига ўз таъсирини ўтказди. Само ўғлини бутун оламнинг ҳукмдори сифатида тасвирлайдиган Чжоу доктринаси “ўртадаги подшоликлар” аҳолисининг устунлиги ва “варвар”-ларнинг туғма етилмаганлиги тўғрисидаги Конфуций (милоддан аввалги 551-479 йй.) таълимотининг негизини ташкил этди. Ушбу таълимот қадимги Хитойда давлатлараро муносабатлар назарияси ва амалиётига сезиларли даражада таъсир этди. Бутун олам ҳукмдори ҳисобланмиш Само ўғли тўғрисидаги Чжоу доктринаси Чжоу ванининг унга итоаткорлигини ифода қилиши лозим бўлган яқин ва узоқдаги халқлар, ҳамда подшоликлар билан бир томонлама муносабатларининг идеаллаштирилган схемасини таклиф этарди.

Ҳукмдорлар хузуридаги айрим амалдорларнинг вазифалари доирасига бошқа давлатлар билан муносабатларни йўлга қўйиш масаласи кирарди ва махсус кишилар элчилар нутқини тайёрлашарди. Дастлаб саройда муҳокама қилинган ушбу нутқлар кўшни давлатлар билан музокаралар олиб борилганда катта аҳамиятга эга эди.

Ўз пайтида Чжоу вани Ци ҳукмдори Хуань – Гуннинг мустақил равишда ташқи сиёсий ва дипломатик ҳаракатлар олиб бориш, ҳамда ғарбий иттифоқлар тузиш, шунингдек “ба” (гегемон) унвонига эга бўлиш ҳуқуқини тан олди. Иттифоқчи подшоликлар гегемонга бирлашиш муқаддас қасамини (мэн) ичишарди. Ци давлатидан сўнг гегемонлик бирин-кетин бошқа давлатлар қўлига ўтиб борди.

Гегемонларнинг сиёсий устиворлигини мустаҳкамлашда элчиларни қабул қилиш ва юбориш маросими муҳим роль ўйнади. Элчиларни йўлга отлантириш гегемонларни ўзига ярашмасди, шу пайтнинг ўзида эса иттифоқчи подшоликлар ҳукмдорларининг шахсан ўзлари элчилар сифатида гегемон хузурига етиб келардилар.

Иттифоқчи давлатлар подшолариининг ўғилларини гаровга олиш Чжаньго давридаги давлатлараро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятига айланди. Давлатлар томонидан майда подшоликларни босиб олиш жараёни авж олганди. Бу эса подшоликлар ўртасидаги иттифоқларнинг йириклашувига сабаб бўларди. Давлатлараро йирик бирлашмаларнинг алоҳида шакллари юзага келдики, улар “вертикал бўйича иттифоқлар”, “горизонтал бўйича иттифоқлар”, “узоқдаги давлатларнинг яқиндаги давлатларга қарши иттифоқлар” деб номланиши билан маълумдир. Ушбу шароитда давлатлараро битимларни тузиш амалиёти билан боғлиқ махсус фаолият турига бўлган эҳтиёж пайдо бўлади. Бундай зарурат нафақат уруш вақтида, балки бошқа пайтларда ҳам талаб қилинганди.

Жамиятнинг ўқимишли қатламлари орасида дипломатик тусдаги вазифаларни бажариш учун зарур бўлган билимлар ва тажрибага эга бўлган, сиёсий вазиятни назарий ва амалий жиҳатдан тушунадиган, гапга чечан, ишнинг ўзига хос усталари пайдо бўлди. Дипломатияга тааллуқли фаолиятнинг катта аҳамиятга эга эканлигини Чжаньго даврида мавжуд бўлган барча ғоявий-сиёсий мактабларнинг вакиллари таъкидлашган. Жумладан, Конфуций дипломатия санъатига ўргатишни подшоликни бошқаришдан кейин иккинчи ўринга қўйган. Элчилар ёзма эмас, балки оғзаки кўрсатмалар билан юборилган.

Қадимги Хитойда дипломатик дахлсизлик ҳақида тушунча мавжуд бўлмаслигига қарамасдан, амалда ҳар қандай подшоликда элчига ўта ҳурмат билан қаралган.

### **Назорат саволлари:**

1. Қадимги Мисрда “номликлар” ўртасидаги муносабатлар қандай сиёсий аҳамиятга эга?
2. Тамкарларнинг Қадимги Месопотамия элчилик муносабатлари тизимида тутган ўрни нимада?
3. Қадимги Хитойда “Чжаньго” даврига оид дипломатик муносабатларни тўғри изоҳланг?

## 2-мавзу Қадимги Юнонистонда халқаро муносабатлар ва дипломатия.

### **РЕЖА:**

- 2.1. Афина полиси дипломатияси.
- 2.2. Афина ва Спарта ўртасидаги дипломатик муносабатлар.
- 2.3. Юнон-Македон империясининг ташиқи сиёсати.
- 2.4. Эллин давлатлари дипломатияси.

**Таянч иборалар:** Афина аҳолиси. Проксения, Амфиктиония, Дельфа - Фермопил амфиктионияси. Жанубий Болқон ярим ороли ҳудудларини ўзлаштирилиши. Демос. “Метек” тушунчаси ва унга нисбатан “демократик” ёндашуви. Архонт, Стратег, Каллий, Мардоний, Переик ва дорий. Афина денгиз иттифоқи ва Ахамонийлар давлати ўртасидаги халқаро муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари. Македониянинг тақи сиёсати.

Қадимги Юнонистонда осойишта халқаро алоқалар ва халқаро ҳуқуқнинг энг қадимги шакли “проксения” ( яъни, меҳмондўстлик ) эди. Проксения алоҳида шахслар, уруғлар, қабилалар ва давлатлар ўртасида мавжуд бўлганди. Проксенлар орқали дипломатик музокаралар олиб борилади; шаҳарга етиб келган эличиликлар биринчи галда ўзининг проксенига муурожаат қиларди.

Проксения қадимги юнон дунёсининг кейинги барча халқаро алоқалари учун асос қилиб олинди.

“Амфиктиония” лар ҳам халқаро алоқаларнинг худди шундай қадимий шакли эди. Алоҳида иззат қилинадиган илохнинг ибодатхонаси атрофида юзага келган диний иттифоқлар амфиктиониялар деб номланарди. Ушбу иттифоқларга ибодатхона атрофида, қариндошчилик муносабатларидан катъи назар, истиқомат қилувчи қабилалар кирарди.

Қабилалар тўпланиб, байрамлар ўтказилган пайтда уруш олиб бориш ман этиларди, ҳамда “илохий тинчлик” эълон қилинарди. Шундай қилиб, амфиктиониялар халқаро тусдаги диний - сиёсий тартибга айланарди.

Қадимий Юнонистонда амфиктиониялар бир нечта бўлиб, уларнинг орасида энг қадимгиси ва катта таъсирга эга бўлгани Дельфа - Фермопил амфиктионияси эди. Дельфа шаҳридаги Апполон худоси ибодатхонаси қошидаги ва Фермопил шаҳридаги Деметра худоси ибодатхонаси қошидаги амфиктионияларнинг бирлашиши негизида ушбу иттифоқ юзага келди. Дельфа - Фермопил амфиктионияси таркибига 12 қабила кирганди.

Дельфа - Фермопил амфиктиониясининг асосий мақсади Дельфа шаҳридаги Апполон худоси ибодатхонасини, унинг бойликларини ва ер

эгалликларини кўриклаш эди. Шу билан бир қаторда, амфиктония маълум жиҳатдан умумнон, яъни ўзига хос халқаро қоидаларини ўрнатишга ҳаракат қиларди-ки, уларга амфиктониянинг барча аъзолари рию қилишлари керак эди. “Симмахия”-лар номини олган ҳарбий - сиёсий иттифок тўғрисидаги шартномалар қадимги Юнонистонда халқаро муносабатларнинг ўзгача бир кўринишини касб этдилар. Уларнинг орасида энг йириклари Лакедемон ва Афина симмахиялари эди.

Лакедемон симмахияси милоддан аввалги VI асрда Пелопоннес шаҳарлари ва жамоаларининг иттифоқи сифатида вужудга келди. Унга Спарта бошчилик қиларди. Афина шаҳри раҳбарлигидаги Афина ( Делос ) симмахияси эса Юнонистон -Эрон урушлари даврида эронликларга қарши курашиш учун тузилганди.

Жамоалар ва полислар ўртасида юзага келган низолар махсус вакиллар ёки элчилар, воситачилигида ҳал этиларди. Қадимги Юнонистон тарихининг “Гомер даврида” улар даракчилар ( керюкс, ангелос ) деб аталган бўлса, классик даврида эса оқсоқоллар ( пресбейс ) номини олганди.

Элчилик аъзоларининг сони турлича бўлиб, мавжуд шароитлардан келиб чиқиб белгиланарди. Элчилик мақсадлари элчиларга берилган йўриқномаларда маълум қилинарди. Йўриқномалар аниқ ўрнатилган тартибда расмийлаштирилди: бир - бирига бирлаштирилиб тахланган икки мумланган тахтачалардан (дипломата) иборат ёрлик шаклида эди. “Дипломатия” атамаси ҳам шундан келиб чиқади.

Қадимги Юнонистоннинг ривожланишида кўзга ташланадиган аниқ уч даврни кўрсатиш мумкин:

- 1) Крит - Микена даври ( милоддан аввалги II минг йиллик );
- 2) Полислар даври ( милоддан аввалги XI – IV асрлар );
- 3) Эллинизм даври ( милоддан аввалги 334 – 30 йиллар ).

Крит давлати ва Ахейя подшоликларининг мавжуд бўлиши биринчи даврга хос бўлган ҳолатдир. Критнинг Миср каби қудратли давлатлар билан муносабатлари дўстона эди, манбаларда элчиликлар билан алмашишлар кўрсатиб ўтилади. Ахейя подшоликлари қўшни давлатларга нисбатан урушқоқ сиёсат юргазардилар, урушлар олиб бориш йўлида бирлашардилар ( Троя урушлари - милоддан аввалги 1240 – 1230 йиллар ).

Қадимги Юнонистон тарихининг иккинчи босқичида ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан жамиятнинг илдамлик билан ривожланиши рўй берди. Классик қулчилик негизида ривожланган қулдорлик иқтисодиётига эга шаҳарлар - давлатлар - полислар пайдо бўлди.

Юнон давлатлари сиёсий мустақилликка эга бўлганлиги сабабли халқаро муносабатлар тарихини полислараро муносабатлар сифатида, қўшни давлатларга нисбатан эса ташқи сиёсат сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Ушбу босқичнинг энг муҳим воқеаларидан бири Юнонистон - Эрон урушлари эди. Эрон ушбу урушларни аҳолиси кўп ва иқтисодий ривожланган бой юнон полисларни забт этиш мақсадида олиб борди. Юнонларнинг Эрон давлати билан мил. авв.500 - 449 йиллардаги



тўқнашувлари Юнонистон - Эрон урушлари номини олган, чунки ҳарбий ҳаракатлар бир неча компанияларга бўлинади.

Юнонистон-Эрон урушларида юнонларнинг ватанпарварлиги ва жасорати ( мил. авв. 490йилда Марафон ёнидаги жанг, мил. авв. 480 йилда Фермопил йўлаги ёнидаги жанг ) ёрқин намоён бўлди, бирлашиш зарурлиги англаб етилди ( Панэллин иттифоқи - мил. авв. 481 й., Делос иттифоқи - мил. авв. 478й. ). Ушбу лахзалар полис иқтисодиёти ва жамиятининг юксалиши, полис тузилишининг мукаммалик даврини бошидан кечираётганлиги билан изоҳланади. Ушбу жараёнлар натижасида юнонлар қадимги дунёнинг энг йирик давлати сифатида намоён бўлган Ахамонийлар салтанати билан бўлган тўқнашувда ғалабага эришдилар.

Милоддан аввалги 449 йилда “Калий” сулҳи тузилди. Эрон подшоҳи билан тинчлик тузиш мақсадида Кипрга юборилган Афина элчисининг исми Калий бўлганлиги сабабли ушбу битим шундай номланади.

Милоддан аввалги 478 йилда Делос симмахиясининг (иттифоқининг ) ташкил этилиши урушнинг яна бир муҳим натижаларидан бири бўлди. Бу - ташқи сиёсатдаги асосий мақсадлари бир - бирига мос келган, тез суръатларда иқтисодий ривожланишдан манфаатдор бўлган, бир хил демократик тузумга эга юнон шаҳарларининг мустаҳкам бирлашмаси ва ҳарбий иттифоқи эди. Аммо ушбу иттифоқнинг ташкил этилиши пайтидан бошлаб Афинанинг устунлиги кўзга ташланди. Чунки ушбу шаҳар йирик бой полис бўлиб, эронликларга қарши урушнинг асосий оғирлигини ўз гарданига олди. Милоддан аввалги 454 йилда иттифоқининг хазинаси Делос оролидан Афинага ўтказилишдан сўнг ушбу устунлик янада яққол бўлиб қолди.

Иттифоқчилар Афинага тенг аъзолар сифатида эмас, балки маълум жихатдан фуқаролар сифатида кўрилардилар. Милоддан аввалги 454 йил Делос симмахиясининг Афина архэсига ( давлатига ) айланиш даврининг чегараси ҳисобланади.

Урушдан сўнг юнон полисларининг гуллаб - яшнаш даври бошланди. Ушбу давр иқтисодиётнинг ўсиши ва маданиятнинг юксак ривожланиши билан ифодаланади.

Афина давлатига стратег сифатида бошчилик қилган Перикл биринчи Афина денгиз иттифоқига кирган полисларни бирлаштиришга ва ягона иттифоқчи давлатни барпо этишга интилди. Бу эса денгиз иттифоқининг ичида кескин низоларга олиб келарди. Бир вақтнинг ўзида ташқи сиёсий тусдаги тўқнашувлар ҳам етилмоқда эди: Афина ва Коринфнинг Ғарбга олиб борадиган савдо йўллари учун кураши; Афина ва Спартанинг Юнонистонда гегемонлик қилиш учун кураши. Ушбу барча қарама- қаршилиқлар юнон полисларнинг кўпчилигини ўз домига тортиб кетган Пелопоннес урушига ( мил. авв. 431 - 404йй. ) олиб келди. Пелопоннес уруши икки асосий даврга бўлинади:

Милоддан аввалги 421 - 415 йиллар давомида вақтинча сулҳ сақланди. Ҳарбий ҳаракатлар бир пайтнинг ўзида турли ҳудудларда олиб борилди: Эгей денгизи ҳавзасида, Пелопоннесда, Ўрта Юнонистонда, Ғарбий вилоятларда, Сицилияда. Урушнинг иккинчи даврида Спарта ёрдам сўраб

Эрон давлатига мурожаат қилди. Кўмак бериш эвазига эронликлар Кичик Осиёда жойлашган юнон шаҳарларини назорат қилиш ҳуқуқини талаб қилдилар. Спарта бунга рози бўлмади, бироқ рад жавобини ҳам бермади. Бу - Юнонистоннинг миллий манфаатларига нисбатан сотқинлик эди. Уруш Спартанинг ғалабаси билан яқунланди. Биринчи Афина денгиз иттифоқи тарқатиб юборилди. Спартанинг гегемонлиги даври бошланди.

Полислар ўртасидаги доимий урушлар уларнинг шундоқ ҳам танг ахволини янада заифлаштирарди.

Милоддан аввалги 399 йилда Эрон ва Спарта ўртасида уруш бошланди. Ахамонийлар орасидаги сулолавий курашга Спартанинг аралашуви ушбу урушни келтириб чиқарди. Спарта урушнинг охирида қилган сотқинлиги туфайли ўзини юнонлар олдида обрў - эътиборини тиклашга ва Кичик Осиёда жойлашган юнон шаҳарларини озод этишга интилди. Бироқ милоддан аввалги 395 йилда Ахамонийлар ёрдамида тузилган коалиция (иттифоқ) Спартага қарши уруш бошлади. Ушбу иттифоққа Афина, Коринф, Фива кирди. Полисларнинг заифлашуви ва иқтисодиётининг таназзулга юз тутиши ўша даврда уларнинг барчасини бой Эрон давлатига нисбатан қарам қилиб қўйганди. Эрон урушаётган томонларини тинчлик шартларини қабул қилишга фактик жиҳатдан мажбурлади ( мил. авв. 387 йилда тузилган “Анталкид” сулҳи ); Эрон давлати Кичик Осиё шаҳарлари устидан бўлган ҳокимиятини тиклади, эронликлар флотига Эгей денгизига кириш рухсат этилди, юнон полислари устидан кузатиш ва назорат қилиш Спартага топширилди. Спартанинг сиёсати давлатлар мухториятини бузиш, демократларга жазо бериш, олигархик тартибларни ўрнатиш орқали ўз ифодасини топди. Спарта юнонлар эркинлиги ва мустақиллигининг асосий душманига айланди. Милоддан аввалги 382 йилда рўй берган олигархик тўнтаришдан кейин Фива демократлари мил.авал. 379 йилда демократик тузумни тиклашди ва мил. авв. VI асрдаёқ мавжуд бўлган Беотия иттифоқини қайтадан вужудга келтиришди. Милоддан аввалги 378 - 377 йилларда Спарта билан курашиш учун Иккинчи Афина денгиз иттифоқи тузилди. Левктра шаҳри ёнидаги жангда (мил. авв. 371 й.) фиваликлар Спарта қўшинларини мағлубиятга учратишди ва ушбу воқеа Спартанинг енгилмаслиги тўғрисидаги афсонани йўққа чиқарди. Мантиней ёнидаги жангда ( мил. авв. 362й. ) фиваликлар саркардаси Эпаминонднинг ўлиmidан сўнг Фива шаҳрининг қисқа муддатли юксалиши яқунланди. Бунга Фиванинг кучайишидан кўрқиб қолган Афинанинг фиваликларга нисбатан ғаразли муносабати сабаб бўлди. Бироқ, Афинанинг Иккинчи Афина денгиз иттифоқида ўз устиворлигини ўрнатишга қаратилган уринишлари иттифоқчиларнинг қаршилигига учради ва “Иттифоқчилар уруши” га олиб келди(мил. авв. 357 - 355йй.). Ушбу уруш иттифоқнинг тарқалиб кетиши билан яқунланди.

Шу даврда Юнонистоннинг шимолида янги ҳарбий - сиёсий куч сифатида Македония намоён бўлди. Милоддан аввалги 346 йилга келиб Македония подшоси Филипп II томонидан олдин Фессалия, сўнгра Фокида, Холкидика ва Фракия соҳили босиб олинди. Афинада ва Юнонистоннинг

бошқа полисларида Македонияга қарши ва тарафдор партиялар ўртасида кураш бўлиб ўтарди. Демосфеннинг ҳаракатлари туфайли юнон шаҳарларининг Македонияга қарши иттифоқи тузилди. Аммо ушбу иттифок мил. авв. 338 йилда Херонея шаҳри ёнидаги жангда тўла мағлубиятга учради. Бу ерда, Македонияга қарши партиянинг раҳбарларидан бири бўлган Ликургнинг сўзларига кўра, “ҳалок бўлганларнинг таналари билан бирга юнонларнинг эркинлиги ҳам кўмилди”. Милоддан аввалги 337 йилда Филипп II томонидан Коринфда чақирилган конгресс Юнонистоннинг Македонияга бўйсунганини расмийлаштирди.

Ушбу воқеалар билан қадимги Юнонистон тарихининг III - босқичи бошланди. Александр Македонский ( Искандар ) бошчилигидаги юнон - македонлар армияси мил. авв. 334 йилда Эрон давлатига юришни бошлайди. Уч жангда (Граник дарёси ёнидаги жанг - мил. авв. 334, Исс ёнидаги жанг - мил. авв. 333 йилда, Гавгамела ёнидаги жанг - мил. авв. 331 й.) эришилган ғалабалар натижасида Эрон давлатининг катта қисми эгалланди.

Шарқ томон ҳаракатланган Александр Ўрта Осиёга, сўнгра эса Ғарбий Ҳиндистонга бостириб кирди. Александрнинг шарқий юриши натижасида улкан давлат барпо этилди.

Унинг ўлимидан сўнг ( мил.авв. 323й.) саркардалар - диадохлар ўртасида кураш натижасида эллин давлатлари шаклланди. Ушбу кураш мил.авв. 321 йилда бошланди ва мил.авв. 281 йилда якунланди. Йирик давлатлар ташкил топди - Птолемейлар подшолиги ( Миср ), Салавкийлар давлати, Понт, сўнгра Пергам, Каппадокия, Юнон - Бактрия подшолиги.

Салавкийлар ва Птолемейлар давлатлари Ўрта ер денгизининг шарқий қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун рақобат қилардилар ва Юнонистонда фаол роль ўйнашга интилардилар. Бунинг устига улар вақти - вақти билан учинчи эллин давлати -Македония билан мураккаб муносабатларга эга бўлардилар. Македония Эгеидани доимо ўз назорати остида ушлаб туришга тўғридан - тўғри манфаатдор эди. Салавкийлар Птолемейлар билан Келесирия (Жанубий Сурия ) учун айниқса шиддатли кураш олиб боришарди, чунки Ҳиндистон ва Шарқнинг бошқа мамлакатларидан келадиган савдо йўллари Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилида тугарди, Салавкийлар эса Суриянинг фақат шимолий қисмига эгаллик қиларди. Ўз навбатида Птолемейлар Келесериядан шимолга силжишга интилардилар. Кейинчалик I - Сурия уруши номини олган ушбу тўқнашувларда ( мил.авв III асрнинг 80 – йиллари ) омад у ёки бу томонда бўлади ва Птолемей II нинг бироз устунлиги билан якунланди, чунки Миср флоти Салавкийлар флотига нисбатан кучлироқ бўлиб чиқди. Бироқ шу пайтнинг ўзида, Африкада, Антиох I Салавкий кўмагида Киренаика Мисрдан ажралиб чиқди ва мустақил давлатга айланди. Милеет, Кикладика ороллари ва бошқа нуқталарга эга бўлган Миср юнонларнинг Македонияга қарши чиқишларини қўллаб - қувватларди. Лекин, тез орада Македония, Салавкийлар ва Родос ороли Мисрни Эгей денгизи минтақасидан суриб чиқардилар. Македония ҳатто Киренаика билан яқинлашишга муваффақиятсиз уруниб кўрди. Мақсад - Киренаикадан Мисрга қарши

фойдаланиш эди. Миллоддан аввалги III асрнинг 60 - йилларида Антиох II Мисрга қарши 2 - Сурия урушини бошлади. Бироқ, Каспий денгизидан шарқда жойлашган улкан ҳудудларнинг бош қўтаришни ва Салавкийлардан ажралиб чиқиши ( бу ерларда мустақил Парфия ва Бактрия давлатлари вужудга келди) вазиятни мураккаблаштирди.

### **Назорат саволлари:**

1. Қадимги Юнонистонда Спарта ва Афина ўртасидаги рақобат ҳақида нималарни биласиз?
2. Қадимги Юнонистонда халқаро ва дипломатик алоқалар шакллари асосларини кимлар яратганлар?
3. Амфиктиония деганда нималарни тушунасиз?.
4. Афина денгиз иттифоқининг геосиёсий аҳамияти нимада?

### 3-мавзу: Халқаро муносабатларнинг асосий масалалари. Дипломатиянинг моҳияти.

#### **РЕЖА:**

- 3.1. Дипломатия ва ташқи сиёсат.
- 3.2. Дипломатияда Статус куо тушунчаси.
- 3.3. Ташқи ишлар вазирлиги бошқаруви тизими.

**Таянч иборалар:** дипломатия, халқаро муносабатлар, информацион жараёнлар, сиёсий воқеалар, музакоралар, сайловлар, давлат, бизнес, эволюция, назария, амалиёт, фан, концепция, дискурс ва парадигма, миллий манфаатлар.

Дипломатия - ҳар бир мустақил давлатнинг ўз ташқи сиёсатини амалга оширишида муҳим восита ҳисобланади. Дипломатиянинг моҳияти шундаки, у, биринчидан, халқлар, давлатлар ўртасида пайдо бўладиган турли низо ва келишмовчиликларни юзага чиқарувчи муаммоларни ноҳарбий, тинчлик йўллари, усул ва воситалари билан ҳал этиш, иккинчидан, давлатлар ўртасида турли соҳалар бўйича ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиш ва уни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутади.

Дипломатик протоколнинг келиб чиқиши жараёни ҳақида сўз юритишдан олдин, аввало, дипломатиянинг пайдо бўлиш тарихига қисқача назар ташлаш зарур, чунки баъзи бир адабиётларда диппротокол дипломатия билан бир вақтда, унинг таянчи, воситаси сифатида пайдо бўлгани таъкидланади.

Инсоният тарихининг ибтидоий даврида қабилалар, улар ўртасида овчилик ва балиқчилик ҳудудлари ва чегараларининг пайдо бўлиши, умуман, хусусий мулкчиликнинг вужудга келиши билан дипломатиянинг даслабки куртаклари шакллана бошланган. Қабилалар ўртасида муаммолар, мунозаралар, баъзан эса тўқнашувлар ҳам юзага келган. Дастлаб муаммо ва низоларни куч ишлатиш йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилинган. Кейинчалик улар мавжуд зиддиятларни куч ишлатиш ва қон тўкиш йўли билан эмас, балки ўзаро келишувлар воситасида ҳал этишни афзал кўрганлар.

Бугунги биз билган том маънодаги дипломатия давлатларнинг пайдо бўлиши билан вужудга кела бошлаган. Бу фикрнинг тасдиғи сифатида эрамиздан олдинги XV асрга тегишли Фиръавннинг мақбарасидан топилган

ўша давр Миср ташқи алоқалари архивини келтиришимиз мумкин. Унга кўра, қадимги Миср қўшни давлатлар билан кенг ҳамкорлик алоқалари олиб борган.

Милоддан аввалги III минг йилликда Месопотамияга келтирилган махсулотларнинг аксарият қисми айнан савдо орқали таъминланарди. Бу эса табиғи, савдо алмашувининг йўлга қўйилган тартибини назарда тутди. Қолаверса, савдо қарвонларининг эркин қатновини таъминловчи ўзаро қафолатлар ҳам мавжуд бўлиши керак эди.

Замонавий дипломатиянинг шаклланиши, албатта, XX асрда содир бўлган тарихий жараёнлар натижасида ривожланиб борган. 1945 йилнинг 4 - 11 февраль кунлари Қримда ( Ялта) СССР, АҚШ ва Буюк Британия давлатлари раҳбарларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда иттифоқчиларнинг келгуси ҳарбий ҳаракатлари мувофиқлаштирилди, Германия таслим бўлганидан сўнг уни назорат қилишнинг шакллари ва усуллари белгилаб олинди. СССР ўз зиммасига Германия таслим бўлганидан сўнг 2 - 3 ой ўтгач Японияга қарши урушга кириш мажбуриятини олди.

Уч давлат қарорига кўра 1945 йил 25 апрельда Сан - Францискода очилган конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) таъсис этилди. Ялпи тинчликни сақлаш бўйича асосий масъулият Хавфсизлик Кенгашига юклатилди.

1945 йилнинг апрелида совет армияси Берлинга ҳал қилувчи ҳужумни бошлади. Ғарбдан инглиз - америка қўшинлари ҳам ҳужум олиб боришди. Иттифоқчи қўшинларнинг учрашуви 1945 йил 25 апрельда Эльба дарёси ёнида Торгау шаҳри атрофида рўй берди. Шимолий Италиядаги немис қўшинларининг қолдиқлари 1945 йил 29 апрельда таслим бўлди. “Сало Республикаси” йўқ қилинди, Муссолини эса партизанлар томонидан отиб ташланди. Совет қўшинлари Германия пойтахтини қуршаб олишни якунлаб, 2 май куни Берлинни штурм билан ишғол этди. 1945 йил 8 майда герман қўмондонлиги Германиянинг сўзсиз таслим бўлганлиги тўғрисидаги актни имзолади.

Герман қўшинларининг бир қисми Прага шаҳрида қўзғолон кўтарган чех ватанпарварларига қарши ҳарбий ҳаракатларни давом эттирди, бироқ совет қўшинларининг шитоб билан қилган зарбаси натижасида тор - мор этилди. 1945 йил 9 майда Прага озод этилди. Европада ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилди.

1945 йилнинг 17 июлидан 2 августига қадар Потстамда (Берлин яқинида) СССР, АҚШ ва Буюк Британия давлатлари раҳбарларининг учинчи конференцияси бўлиб ўтди. Потсдам конференцияси урушдан кейин дунёнинг тузилишига бағишланган эди. Конференция ишидаги марказий эътибор Германияга нисбатан олиб бориладиган сиёсат масаласига қаратилди. Иттифоқчилар Германияни тўла қуролсизлантириш ва ҳарбийсизлантириш, фашистлар партиясини йўқ қилиш, Германияда сўз,

матбуот ва дин эркинлигини тиклаш, эркин касоба уюшмаларини тузишга ва демократик партияларнинг фаолият олиб боришга рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилишди.

1945 йилнинг март ойигача инглиз-америка қўшинлари Тинч океани хавзасида ва Жануби-Шарқий Осиёда Японияга қарши муваффақиятли ҳарбий ҳаракатлар олиб боришди. СССР ўз зиммасига олган мажбуриятларга мувофиқ тарзда 1945 йил 9 августда Японияга қарши урушга кирди. Совет қўшинларининг Мўғулистон Халқ Республикаси қуролли кучлари билан биргаликда амалга оширган шиддатли зарбаси натижасида Квантун армияси тор-мор этилди. Шимолий - Шарқий Хитой, Шимолий Корея, Жанубий Сахалин ва Курил ороллари япон қўшинларидан тозаланди.

6 ва 9 августда Америка авиацияси япон шаҳарлари Хиросима ва Нагасакига атом бомбаларини ташлади. Ядровий қуролни ишлатишни ҳарбий зарурияти йўқ эди, чунки Япониянинг ҳарбий қудрати синдириб бўлинганди.

1945 йилнинг 2 сентябрида Токио кўрфазида Америка линкори “Миссури” бортида Япония сўзсиз таслим бўлганлиги тўғрисидаги актни имзолади. Иккинчи жаҳон уруши якунланди.

Урушнинг асосий натижаси - фашизм устидан эришилган ғалаба эди. СССР нинг халқаро нуфузи мислсиз ошиб кетди. Ғарбнинг буюк давлатларидан фақат АҚШ урушдан жиддий кучайиб чиқди. Иккинчи жаҳон уруши натижасида халқаро сиёсатидаги кучлар нисбати кескин ўзгарди.

Потсдам конференциясининг ўзидаёқ, зиммасига Германиянинг собиқ иттифоқчилари билан тинчлик шартномаларининг лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси топширилган, Ташқи Ишлар Вазирлари Кенгаши барпо этилди. Шундай шартномалар тайёрланди ва 1947 йилнинг 10 феввалида Болгария, Венгрия, Италия, Руминия ва Финляндия билан имзоланди.

Париж тинчлик конференциясида (июль - октябрь 1946й.) СССР ва Ғарб давлатлари ўртасида дунёнинг урушдан кейинги тузилишига оид энг муҳим масалалар бўйича келишмовчиликлар кўзга ташланди.

Герман масаласини тартибга солишга оид зиддиятларнинг зўрайиб кетиши Германияни (1949й.) турли ижтимоий тузумга эга икки давлатга бўлиниб кетишига олиб келди.

Собиқ иттифоқчилар ўртасидаги муносабатлар ёмонлашди, ҳамда ҳарбий-техник, савдо-иқтисодий, сиёсий рақобат ва қарама-қаршилик тусига кирди. Бир томоннинг ташқи сиёсий қадамлари ва ҳаракатларига иккинчи томон ўз манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид сифатида қарарди.

Шарқий Европа мамлакатларида социалистик йўналишдаги тартиботларнинг ўрнатилишини, мустамлака мамлакатларидаги озодлик ҳаракатларининг СССР томонидан қўллаб-қувватланишини Ғарб СССРнинг Европа ва бутун дунёда ўрнатилган анъанавий кучлар нисбатини бузишга қаратилган интилиши деб қабул қиларди.

Шу пайтнинг ўзида, Американинг Фултон шаҳрида У. Черчилль томонидан сўзланган нутқи СССР-да “Совуқ уруш” -нинг очикдан-очик эълон қилиниши сифатида кўрилди.

Атом қуролига АҚШнинг вақтинчалик монополияси, 1947 йилнинг мартада илгари сурилган “Трумэн доктринаси”, “Маршалл режасининг” амалга оширилиши СССР ва унинг иттифоқчилари томонидан уларнинг хавфсизлигига таҳдид ва Европа давлатларининг ички ишларига аралаштириш уринишлари дея қараларди. СССРда халқаро муносабатлар тўғрисидаги тушунчаларнинг асосида урушдан кейинги дунёнинг икки қарама-қарши лагерга - социалистик ва империалистик - бўлиниб кетганлиги ҳақидаги соддалаштирилган тезиси ётарди. Бундай ёндашув турли ижтимоий тузумларга эга давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг муросасизлигини олдиндан белгилаб қўйди.

Ғарб эса блоклар тузиш стратегияси ва СССРни ҳарбий базалар билан ўраб олиш сиёсатини қўллади. 1949 йилда Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО) барпо этилди. Унга АҚШ ва “Маршалл режаси”да иштирок этган мамлакатларнинг кўпчилиги аъзо бўлиб кирди.

50 - йилларда блоклар стратегияси Осиё ва Тинч океани ҳавзасига ҳам ёйилди. АНЗЮС, СЕАТО, СЕНТО каби ташкилотлар юзага келди.

Бунга жавобан СССР, ҳамда Марказий ва Жануби - Шарқий Европа мамлакатлари 1955 йил май ойида Варшава шаҳрида “Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги” шартномани имзолашди. Шу тариқа “социалистик йўналишдаги” мамлакатларнинг блоки расмийлаштирилди.

60-йилларнинг бошида буюк давлатларнинг ҳарбий-сиёсий иттифоқларига қўшилмаслик ҳаракати шаклланди. Қўшилмаслик ҳаракатига 100 дан ортиқ давлатлар қўшилди. Ҳаракат жаҳон сиёсатининг муҳим омилига айланди.

Мафкуралашган тусга эга ҳарбий-сиёсий иттифоқларнинг барпо этилиши халқаро муносабатларнинг характерига салбий таъсир кўрсатди. Урушдан кейинги даврда рўй берган барча йирик минтақавий низоларда икки муросасиз блок манфаатларининг бир-бировига қарши кураши бўлиб ўтарди.

Аслини олганда халқаро муносабатларни захарлаб келган “совуқ уруш” 80-йилларнинг иккинчи ярмига қадар давом этди. Ғарб ва Шарқ ўртасидаги муносабатлар кескин ҳолатда бўлди. Икки блок қарама-қаршилиги баъзи ҳолларда хатарли даражага етиб борарди. Бу эса инсониятни ядровий уруш ёқасига етаклаган ўта хавфли халқаро инқирозларни келтириб чиқарарди. Шундай даврлар бўлдики, кескинлик пасайиб (70 – йиллар), турли блокларга мансуб давлатлар ўртасидаги муносабатлар яхшиланди, қуролланиш пойгасини чеклашга қаратилган ўзаро мақбул шартномалар ва келишувлар имзоланди. Аммо икки гуруҳ раҳбариятининг яхши ўйланмаган қадамлари оқибатида муносабатлар қайтадан бузиларди (70-йилларнинг иккинчи ярми - 80-йилларнинг биринчи ярми) ва дунё халқаро вазиятнинг навбатдаги кескинлашувини яна кузатарди.

Халқаро муносабатлар характерида туб бурилиш 80-йилларнинг иккинчи ярми - 90-йилларнинг бошида рўй берди. СССРда ҳокимият тепасига янги раҳбарларнинг келиши совет ташқи сиёсатини “янги фикрлаш” тамойиллари асосида кескин янгилаш имконини яратди.



Хавфсизлик умум қамровли характерга эга бўлиши ва биринчи галда сиёсий воситалар орқали таъминланиши лозимлиги тан олинди.

“Умумевропа уйи”ни қуриш ғояси ривожланди ва кенг жамоатчилик томонидан қўллаб - қувватланди.

Ушбу даврда АҚШ ва СССР ўртасидаги муносабатлар яхшиланди. Икки томон бир-бировига душман сифатида қарашни тўхтатишди. Совет - америка ўзаро муносабатларнинг яхшиланиши натижасида ядровий ва оддий қуроолларни сезиларли даражада қисқартириш бўйича бир қатор муҳим шартномалар ва битимлар имзоланди.

Шу пайтнинг ўзида кўплаб минтақавий можаролар ва халқаро масалаларни тартибга солишга қаратилган сиёсий қадамлар қўйилди. 1990 йилда Германиянинг бирлашиши Иккинчи жаҳон уруши якунлари тагига сўнгги чизигни тортди.

СССР нинг парчаланиб кетиши ва МДХ нинг ( Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ) ташкил топиши Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида янги тартиботларнинг ўрнатилиши, Варшава шартномаси ташкилотининг ўзини ўзи тарқатиб юбориши 90 - йилларда дунёдаги геосиёсий вазиятга тааллуқли йирик ўзгаришларга олиб келди.

Шу билан бир қаторда, халқаро тусдаги йирик муаммолар ҳам кўзга ташланди: диний можароларнинг янги ўчоғлари пайдо бўлди, ядровий қуроолни назорат қилиш ва тарқатмаслик масаласи янги кескинлик касб этди, ўткир экологик муаммолар зўрайиб кетди, халқаро жиноятчилик ва наркотик моддаларини тарқатишнинг ўсиши катта таҳлика уйғотмоқда, террорчилик халқаро ҳамжамиятнинг энг дардли муаммоларидан бирига айланди.

Ушбу вазиятда халқаро ҳамжамиятнинг ҳаракатларини бирлаштириш ва энг муҳим халқаро масалаларни ҳал этишда БМТнинг ролини кучайтириш зарурияти сезилмоқда.

Қачонлардир, балки, шундай бўлгандир. Бироқ бугунги инфор­мацион жараёнлар шароитида ҳаётнинг байналмилаллашуви (интернационализация) мисли кўрилмаган даражалар касб этмоқда. Информацион технологиялар мамлакатлар, халқлар ва одамларни бир-бирига шундай яқинлаштириб қўйдики, бу халқаро муносабатлар мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартириб юборди. Шунинг учун ҳам, гарчи давлат раҳбарлари, айрим тор ижтимоий гуруҳлар, масалан, дипломатлар, халқаро муносабатларда етакчи роль ўйнашда давом этаётган бўлсалар-да, оддий фуқаролар ҳам уларда фаол иштирок этмоқдалар дейишга барча асослар бор. Улар ҳар куни чет элларда тайёрланган маҳсулотлар ва хизматлардан фойдаланадилар, хорижий фильмларни кўрадилар, чет эллардан келаётган ахборотлардан бохабар бўладилар ва ҳкз.

Ташқи сиёсат деганда ҳар бир давлатнинг халқаро муносабатларда тутган умумий курси тушунилади. Ташқи сиёсат ички сиёсат билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳар қандай давлат ўз ички манфаатлари асосида

ташқи сиёсат йўлини белгилайди. Масалан, бир давлат ташқи дунё билан иқтисодий, иккинчиси сиёсий ва иқтисодий, учинчиси маданий ва санъат, тўртинчиси эса спорт соҳасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиради. Ташқи сиёсат ушбу танланган курсни амалга оширишдаги мақсад ва вазифаларни ҳамда уларнинг ҳаётга татбиқ этиш воситалари, шакл ва усулларини белгилайди.

Ташқи сиёсатнинг асосий вазифаси давлатнинг иқтисодий – ижтимоий тараққиёти, хавфсизлиги ҳамда давлат ва унинг фуқаролари ҳуқуқи ва манфаатларини чет элларда ҳимоя қилишини таъминловчи муҳитни барпо этишдир. Бундай муҳитни вужудга келтириш учун ҳар бир давлат кўшни ва узокдаги давлатлар билан алоқа ўрнатади, муносабатда бўлади, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга интилиб, музокаралар олиб боради ва ниҳоят у ёки бу масала бўйича муайян келишувга эришади. Давлатлар ўртасидаги айнан ана шу алоқалар халқаро – давлатлараро муносабатлар тушунчасини ифода этади. Халқаро-давлатлараро муносабатларни амалга оширишда ташқи сиёсат ўзининг асосий воситаси бўлмиш дипломатияга таянади.

Дипломатик хизмат давлат тизими доирасида ташкил этилган хизмат турларидан бири бўлиб, у ташқи алоқа идорасининг марказий аппарати, шунингдек, унинг мамлакат ичидаги ва хорижий давлатлардаги кўп сонли бўлимларидан ташкил топган. Дипломатик хизматнинг асосий вазифаси – дипломатия зиммасига юклатилган ўта муҳим ва нозик вазифаларни, яъни чет давлатлар, халқаро ташкилотлар билан кенг қамровли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиш ва уларни ривожлантиришдан иборат. Ҳар бир давлатнинг дипломатик хизмати унинг тарихий тажрибаси, анъаналари, ўзида мавжуд иқтисодий, молиявий ва кадрлар ресурси асосида қўйилган вазифаларни бажариш йўлидаги фаолият усуллари, восита ва йўналишлари ҳамда шакллари белгилайди.

Давлат дипломатик фаолиятининг шакл ва йўналишлари қуйидагилардан иборат: дипломатик ёзишма, давлат ва ҳукумат раҳбарларининг чет элларга расмий сафарларини тайёрлаш, музокаралар олиб бориш, халқаро шартномаларни тайёрлаш ва имзолаш, халқаро конференцияларда қатнашиш, хорижий давлатларда дипломатик ва консуллик ваколатхоналарини очиш ва уларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш, халқаро ташкилотлар фаолиятида давлат вакилларининг иштироки, муҳим халқаро масалалар бўйича давлат позициясини матбуотда эълон қилиш, халқаро ҳужжатларни расмий чоп этиш ва ҳоказо. Ҳозирги замон дипломатияси Ф.Де Кольер, Г.Николсон, Ж.Камбон ва бошқа олимлар, дипломатларнинг илмий асарларида тавсия этилган ва тажрибада синалган қуйидаги усулларга таянади: тўғрилиқ ва

ростгўйлик, ўзаро ишонч ва бир-бирини ҳурмат қилиш, халқаро қонунларга асосланган ҳолда иш юритиш, илм, фан ва техника имкониятлари ҳамда таҳлилий маълумотлар унумли фойдаланиш ва ҳқз. Бугунги дипломатия ўрта асрларда амалиётда кенг қўлланган маккорлик, алдамчилик, фитна уюштириш, ёлғон хабар тарқатиш ва зўравонлик ишлатиш каби Н.Макиавелли (Италияда уйғониш даврида яшаб ижод этган олим, ёзувчи ва дипломат) тавсия этган усулларни мутлақо рад этади. Халқаро тажриба ва бир қатор илмий китобларнинг тасдиқлашича, ўз фаолиятида ўрта аср усулларидан фойдаланган дипломатнинг қилмиши тез орада фош бўлади ва ноҳўя хатти-ҳаракати билан нафақат ўзига ёки элчихонасига, балки ўз давлати обрўсига ҳам катта зарар етказди. Йўқотилган ишончни яна қайтадан тиклаш эса халқаро муносабатларда жуда оғир кечади.

Турли давлат идоралари ичида ташқи ҳамкорлик алоқаларини амалга оширувчи идоралар муҳим ўрин эгаллайди. Улар нафақат ўз давлати ҳудудида, балки хорижий давлатларда ҳам фаолият юритади. Шу сабабли жойлашувига қараб бу идоралар ички ва хорижий гуруҳларга бўлинади. Давлатнинг ички идоралари конституцион ва ихтисослаштирилган идораларга бўлинади.

Конституцион ташқи муносабат органларига давлат раҳбарининг идораси, парламент ва ҳукумат киради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Президент, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси ташқи сиёсий органлари сифатида белгиланган. Ташқи алоқаларнинг махсуслаштирилган органлари гуруҳига эса Ўзбекистонда Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги киради. Улардан биринчиси кундалик дипломатик муносабатлар билан, иккинчиси иқтисодий ва савдо алоқалари билан шуғулланади.

Чет давлатларда жойлашган ташқи алоқа органлари икки гуруҳга бўлинади: доимий ва вақтинчалик фаолият кўрсатувчи органлар. Биринчи гуруҳга чет эллардаги дипломатик ва консуллик ваколатхоналари ҳамда халқаро ташкилотлар қошида ташкил этилган ваколатхоналар киради. Иккинчи гуруҳга вақтинчалик фаолият юритувчи органлар гуруҳига эса церемониал тадбирлар (чет давлат бошлиғининг ўз лавозимини эгаллашга бағишланган тантана, юбилей ёки мотам маросимларида), халқаро конференциялар, музокаралар олиб бориш, халқаро ташкилотларнинг сессияларида қатнашиш учун юбориладиган махсус миссиялар киради.

Масалан, Ўзбекистонда бундай вазифалар қуйидагича тақсимланган: Президент давлат ташқи сиёсатини белгилайди, хорижий давлатларда ўз давлати намояндалиги вазифаларини адо этади, чет давлатлар, халқаро ташкилотларга юбориладиган Ўзбекистон элчилари ҳамда уларнинг

вакиллари тайинлайди ва чақириб олади, чет эллик элчилардан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олади. Президент Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатини амалга ошириш ишларига умумий раҳбарлик қилади, музокаралар олиб боради ва халқаро шартномаларга ҳамда ратификация ёрлиқларга имзо чекади.

Парламент Олий Мажлиснинг давлат ташқи сиёсати билан боғлиқ қонунларини қабул қилади, уруш ва тинчлик масалаларини, ҳудудий ўзгаришларни ҳал қилади, халқаро шартномаларни ратификация қилади ва ташқи сиёсий тадбирларни ўтказиш учун молиявий харажатларни белгилайди. Айрим давлатларда ҳукумат ташқи сиёсат соҳасида олиб борилган ишлар ҳақида парламентга ҳисобот беради.

Ҳукумат ва унинг бошлиғи давлатнинг ташқи сиёсат курсини амалга оширади, давлат раҳбари ва парламент тасдиғи учун ташқи алоқалар билан боғлиқ таклифларни киритади, халқаро шартномаларни бажарилишини ташкил этади.

Уч идоранинг ўзаро мувофиқлаштирилган фаолияти ташқи сиёсат, хусусан, дипломатия соҳасида ютуқларга эришишда муҳим ўрин тутади.

### **Назорат саволлари:**

1. Дипломатия тарихини асосий босқичларини тавсифлаб беринг.
2. Дипломатиянинг амалга ошувчи муайян йўналишлари ва шакллари баён этинг.
3. Халқаро-сиёсий тадқиқотларнинг мустақил фан сифатида дипломатияни бойтиш усуллари қандай?

#### 4-мавзу: Спарта ва Афина ўртасидаги рақобат. “Анталкид” сулҳи.

##### **РЕЖА:**

4.1. Қадимги Спарта дипломатияси.

4.2. Афина ва Спарта полислари ўртасидаги дипломатик муносабатлар

4.3. Полислар ўртасидаги рақобат дипломатияси.

**Таянч иборалар:** *Спарта полиси, Мессения, геруссия, геронтлар, Пелопонес. Афина ва Спарта ўртасидаги ҳарбий юришлар натижаси Эгей денгизида савдо цивилизациясининг ривожланиши учун қулай имкониятларни яратиб бериши лозим. Савдо бу иқтисод. Иқтисод учун эса қўйидаги уч омилни муҳим деб билишган:*

Mil. av. VII asrning ikkinchi yarmida Peleponnes davlatlarining ichida Sparta alohida yetakchi sifatida ajralib chiqadi. Butun davlatga o‘z nomini bergan Sparta shahri mil. av. XI yoki X asrda vujudga kelgan. Lakonikaga bostirib kirgan doriylar Frot vodiysining o‘rta qismidagi hosildor yerlarga borib o‘rnashadilar. Mil. av. IX-VIII asrning birinchi yarmida spartaliklar qo‘shni qabilalar bilan Lakonika ustidan hukmronlik qilish uchun shiddatli kurash olib bordilar. Oxir oqibat ular janubda Arkadiya tog‘ yonbag‘irlaridan Peleponnesning janubidagi Tenar va Maleya burnigacha bo‘lgan bo‘lgan yerlarni o‘z hukmronligi ostida birlashtirishga muvaffaq bo‘ladi. Mahalliy aholining asosiy qismi (aftidan asosan axeylar) asoratga olinib, ilotlarga aylantiriladi. Lakonikaning eng hosildor yerlariga o‘rnashib olgan spartaliklar o‘z manfaatlarini yo‘lida siyosat olib bordilar. Tog‘ yonbag‘irlaridagi kam hosilli yerlarni egallagan boshqa Lakonika jamoalari ko‘ngilli ravishda Spartaning ustunligini tan olib, aholisi perieklar (atrofda yashovchilar) deb nomlangan Lakedemoniya davlati tarkibiga kirganlar. Ilotlardan farqli ravishda perieklar erkin ozod hisoblangan va hattoki yashagan polislari yoki polislaridagi hududlarda fuqarolik huquqlardan ham foydalanganlar. Shu tariqa

Sparta jamiyatida uchta tabaqa: to'la huquqli spartaliklar, qul qilingan ilotlar va erkin lekin to'la huquqli bo'lmagan periekklar shakllangan.

Xuddi shu davrda o'zining barqarorligi va ko'p asrlar davomida kam o'zgarganligi bilan ajralib turgan Spartaning davlatchilik asoslari yaratilgan. Bu o'ziga xos siyosiy tizimning muhim elementlari juft podsholik hokimiyati, oqsoqollar kengashi yoki gerusiya va xalq kengashi yoki apella hisoblangan. Qadimgi davrlardan Spartada bir vaqtning o'zida ba'zida o'zaro raqobatlashgan va dushmanlashgan ikkita podsho sulolasi hukmronlik qilgan. Kelib chiqishi Geraklning o'ziga borib taqaladigan podsholar hurmat va ehtiromga sazovor bo'lganlar. Biroq ularning hokimiyati qonun yo'li bilan chegaralab qo'yilgan. Harbiy vaqtlarda ular harbiy yo'l boshchilar vazifasini bajargan, tinchlik vaqtida esa sud va din ishlari bilan shug'ullanganlar. Ikkala podsho ham oqsoqollar kengashi tarkibiga kirgan bo'lib, (ular bilan 30 kishi bo'lgan) asosan davlat boshqaruvi masalalari hal qilinadigan yig'ilishlarda ishtirok etganlar. Butun to'la huquqli Sparta fuqarolarini qamrab olgan Xalq yig'ilishi bu davlat tizimida ikkinchi darajali rolni o'ynagan. O'zining mohiyatiga ko'ra u faqatgina podsholar va oqsoqollarning qo'shma yig'ilishida qabul qilingan qarorlarni tasdiqlagan, xolos.

Spartaning ilk tarixida Messeniya urushlari deb nomlangan davr alohida o'rin tutadi. Taxminan mil. av. VIII asrda boshqa yunon davlatlarida bo'lgani kabi hududda o'tkir yer yetishmovchiligi sodir bo'ladi. Bu muammoni hal qilish uchun spartaliklar boshqa yunon polislari kabi kolonlashtirish siyosatini olib bormay, qo'shnilarining hududlari orqali erlari kengaytirishga kirishadilar. Sparta ekspansiyaning asosiy obyekti Peleponnesning janubiy-g'arbidagi boy va keng viloyat- Messeniya bo'ldi.

Messeniya uchun kurash uzoq va mashaqqatli kechgan. Birinchi Messeniya urushi (mil. av. VIII asrning ikkinchi yarmi) 20 yil davom etdi va spartaliklarning g'alabasi bilan tugadi. Ular Messeniya aholisini yillik oladigan hosilining teng yarmini tovon sifatida to'lashga majbur qiladilar. Messeniya yerlarining bir qismi spartaliklar tomonidan o'zaro bo'lishib olinadi. Biroq, bu barcha yerga

muhtojlarning ehtiyojini qondirish uchun yetarli bo'lmadi. Spartada fuqarolar o'rtasida nizolar va isyonlar boshlanadi.

Shu bilan birga messeniyaliklar spartaliklar hukmronligiga qarshi bosh ko'taradilar. Avvalgisidan kam davom etmagan yangi urush (mil. av. VII asrning ikkinchi yarmi) boshlanadi. Messeniyaliklarning mardligi va qahramonligi, shuningdek, Spartaning kuchayib ketayotganidan tashvishga tushgan ayrim Peleponnes davlatlarining yordamiga qaramasdan ular yana mag'lub etiladilar. Bu safar bir nechta periek mavqei berilgan dengizbo'yi shaharlari aholisini hisobga olmaganda aksariyat fuqarolar ilotlarga aylantiriladi va ularga tegishli yerlar spartaliklar ixtiyoriga o'tadi.

Hosildor Messeniya yerlarining egallanishi Sparta hukumatiga o'sib borayotgan agrar inqirozni to'xtatishga yordam beradi. Ikkinchi Messeniya urushidan so'ng chek yer egalari va to'la huquqli fuqarolar miqdori qat'iy tenglashtirish prinsipiga asoslangan yer egaligi tizimi vujudga keladi. Lakonika va Messeniyadagi birmuncha hosildor yerlar daromad keltirishiga, ko'ra bir-biriga yaqinroq bo'lgan 9000 ulush (yer bo'lagi) ga bo'linadi va shunga mos ravishda spartaliklar o'rtasida taqsimlanadi. Keyinchalik Sparta hukumati alohida ulushlar har doim o'zgarishsiz qolishini (masalan uni meros sifatida bo'lib berish mumkin emas edi) diqqat bilan kuzatadi. Yerlar bilan birga bo'ysundirilgan Lakonika va Messeniya aholisi ilotlar sifatida ularga birlashtirilgan. Bunda har bir ulushga bir nechtdan ilot oilasi to'g'ri kelib, o'zining mehnati bilan ulushning xo'jayini va oilasini butun kerakli buyumlar bilan ta'minlashi kerak edi. Har yili ilot o'zining xo'jayiniga arpa doni yoki un, vino, yog'i va boshqa mahsulotlar ko'rinishida obrok to'lagan. Odatda bu norma qonun bilan belgilanib (ba'zi ma'lumotlarga ko'ra u hosilning yarmini tashkil qilgan), spartalik o'z xohishiga ko'ra uni o'zgartirishi mumkin bo'lmagan. Obrokdan ortib qolgan qismini xohishiga qarab ishlatilish mumkin bo'lgan. Spartaliklar odatda ularning ishiga aralashmaganlar, ilotlar ham o'z vaqtida to'laganlar. Spartaliklar ilotlarni o'ldirish yoki sotish huquqiga ega bo'lmaganlar, Spartada qullar yer kabi davlat mulki hisoblangan.

Shu bilan birga ilotlar o'zlarining yo'qotilgan ozodligini hech qachon unutmaganlar.

Sparta hududidagi arxeologik qazishmalar shuni ko'rsatadiki, mil. av. VII-VI asrning birinchi yarmida ushbu davlat butun Yunonistondagi eng sezilarli badiiy hunarmandchilik markazlaridan biri bo'lgan. Bu davr Lakonika hunarmandlarining mahsulotlari Afina Korinf va Evbeya hunarmandlarining eng yaxshi buyumlaridan qolishmagan.

Mil. av. VI asrning ikkinchi yarmida Lakonika maktabi keskin inqirozga uchraydi va butunlay yo'qolib ketadi. Bu davrda chetdan Sparta o'zga yurt hunarmandlarining buyumlarini kirib kelishiga ham chek qo'yiladi. Shuningdek, katta ibodatxonalar va boshqa me'moriy inshootlar qurilishi ham to'xtatiladi. Ajablanarlisi, mil. av. VI asr Olimpiada o'yinlarida spartaliklar o'yin g'oliblarining deyarli yarmini tashkil qilgan bo'lsa ham, mazkur o'yinlardan qatnashishdan voz kechishadi. Shu tariqa Sparta uzoq vaqtgacha o'zini-o'zi yakkalab boshqa yunon polislari bilan xo'jalik va madaniy aloqalarni ongli ravishda uzadi.

Messeniya egalanganidan so'ng Sparta jamiyati ko'p minglab ilotlar jamoasi ustidan hukmronlik qiladigan professional jangchi-goplitlar toifasiga aylandi. Spartaning ko'pchiligini tashkil qiladigan ilotlar doimo spartalik bosqinchilarning hukmronligidan ozod bo'lishni o'ylar edilar. Ularni tizimli va shafqatsiz terror yordamida ushlab turishga urinishgan. Plutarxning ma'lumotlariga ko'ra, Sparta hukumati vaqti-vaqti bilan ilotlar qirg'inini uyushtirib turgan. Bunday turdagi operatsiyalar "kriptiya" (yunonchada "kriptos" – "yashirin", "sirli") deb nomlangan.

Doimiy ilotlar qo'zg'oloni xavfi Sparta hukmron tabaqasidan yuqori darajada birdamlikni va hamjihatlilikni talab qilgan. Shuning uchun yer islohoti bilan birga Sparta qonun chiqaruvchisi Likurg tomonidan tarixga Likurg qonunlari nomi bilan kirgan bir qator muhim ijtimoiy islohotlar o'tkaziladi. Bu islohotlar Sparta davlati qiyofasini o'zgartirib, uni qat'iy tartib- intizomga bo'ysungan yagona harbiy lagerga aylantiradi. Spartada Likurg qonunlariga so'zsiz amal qilganlarga to'la huquqli fuqarolar hisoblangan. Ushbu qonunlarda Sparta



fuqarolari amal qilish kerak bo'lgan ko'ylagining andozasidan tortib, soqol va mo'ylov shakli kabi eng mayda detallargacha belgilab qo'yilgan edi.

Qonun har bir spartalikka yetti yoshga to'lgan o'g'lini maxsus lager-agellarga (ma'nosi "poda") berish majburiyatini yuklagan. U yerda chidamlilik, kattalarga xurmat, ayyorlik, shafqatsizlik, buyruq bera olish qobiliyati va boshqa "haqiqiy spartalikka" xos bo'lgan sifatlar o'rgatilgan.

Bu kabi tartib-qoidalar Sparta davlatini mustahkam jamoaga aylantirib, o'ziga xos tarix sinovlariga bardosh berishiga olib kelgan. Masalan, mil. av. 464-yildagi buyuk ilotlar qo'zg'oloni yoki mil. av. 431-404- yillardagi Peleponnes urushlarida doimiy harbiy tayyorgarliklar o'z mevasini beradi. Mashhur Sparta falangasi (og'ir qurolangan piyodalar) uzoq vaqtgacha kurash maydonlarida engilmagan. Mil. av. VI asrning o'rtalaridayoq Sparta Peleponnes davlatlari o'rtasida gegemonlik o'rnatib, Peleponnes ittifoqiga asos solgan edi.

Кейинчалик спарталиклар бошқа юнон давлатларига ҳам ўз таъсирини ёйишга уриндилар. Бирок, Спартанинг буюк давлатчилик учун бўлган даъволари фақатгина ҳарбий кучга аосланган эди. У маданий ва иқтисодий жиҳатдан бошқа юнон полисларидан анча ортда қолган. Сиёсий биқиқлик ва ташқи дунёга душманона кайфият, демократик қарашлардаги Юнонистонда унга қарши норозиликларни келтириб чиқарган эди.

Yunon shahar-davlatlarining gullashi davomiy bo'lib chiqmadi. Bu yunon-fors urushlaridagi g'alabalar va Peloponnes urushlari orasidagi qisqa mo'tadillik va ko'tarilish davri edi. Buning ustiga hatto o'sha davrda ham mo'tadillik nisbiy edi, ko'tarilish esa qulash tendensiyalariga to'la edi. Forslar bilan to'qnashuvda yunonlarning ozod fuqarolar jamiyati forslar despotiyasidan ustun ekanligini ishonch bilan isbotlab berishdi. Shu bilan birga yunon-fors urushlari xo'jalikning kuchli quldorlik shakllarini rivojlantirgan holda fuqaroviy jamoalarda ijtimoiy va egalik manfaatlarini o'sishiga yordam bergan. Shuningdek, ular umumiy ozodlikning qudratli himoyachilari bo'lgan Afina va Spartani oldingi qatorlarga olib chiqdi. Qadimgi Yunonistonda, aslida shahar davlatlar orasida asosan ikki

qarama-qarshi kuch mavjud bo'lgan. Bir tomonda Sparta Janubiy Yunonistonning katta qismlari bo'yicha konservativ polislarni birlashtirgan holda mil.av. VI asrdayoq Peloponnes ligasining tashkilotchisiga aylangan edi. Boshqa tomonda keyingi yuz yillikdagi yirik birlashma – Delos, yoki savdo aloqalari jihatida umumiydashgan dengizbo'yi va orol polislarning katta qismini birlashtirgan va forslarga qarshi kurashda o'sha kuchlarni birlashtirishni ko'zlagan Afina dengiz ittifoqini mavqei ortib borardi. Peloponnes ligasining yadrosi konservativ, agrar tipga mansub bo'lgan, asosan savdo-iqtisodiy aloqalarga moslashgan doriylar jamoalari edi. Har jamoa o'z sardorining tashabbusiga bo'ysungan holda ta'sir doirasini saqlab qolish va kengaytirishga intilgan va raqobatchi guruhlar muvaffaqiyatlarini obdon kuzatib borgan. Ikki ittifoq o'rtasidagi bu raqobat- o'z o'rnida mil. av. V asrda Yunoniston jamiyatida shunday siyosiy qarama-qarshilikka aylanganki, u umumiy katta ichki mojaroni, Peloponnes urushi (mil.av. 431-404-yy)ni keltirib chiqargan. Bunda birinchi o'rinda, Afina tashabbuskor tomon sifatida namoyon bo'ladi. Tez rivojlanib borayotgan iqtisodiyot va unga asoslangan ijtimoiy harakatlarga bo'lgan ehtiyoj afinaliklarni o'z ta'sir doirasini, hududini kengaytirishga, xom-ashyo va resurslarini ko'paytirishga undagan. Afina bilan dengizda raqobatini olib borgan doriylarning savdo shaharlari, eng avvalo, Megara va Korinf, shuningdek butunlikni saqlab qolish g'amidagi katta yer egalarining barchalari Spartaга murojaat qilishardi. O'z navbatida Sparta ham Peloponnes ligasida siyosiy yaxlitlikni saqlab qolishni xohlardi. Afinaning V asrning 50-yillarida Istma va O'rta Yunonistonda o'z kuchini o'rnatishga bo'lgan harakatlari oxir oqibat uning Sparta bilan qurolli to'qnashuviga olib keldi. Bu birinchi yoki kichik Peloponnes urushi nomini olgan harbiy to'qnashuvlar (mil. av. 457–446-yy.) o'ziga xos kuchlarni sinash voqeasi bo'ldi. U ikki tomonga ham muvaffaqiyat keltirmadi; shunchaki navbatdagi urushga tayyorgarlik vazifasini o'tovchi qisqa vaqt bo'lgan “O'ttiz yillik” tinchlik sulhi bilan tugadi.

Urushning sababi Afina va Sparta o'rtasida Yunonistonda gegemonlik qilish uchun olib borilgan kurash hisoblanadi. Shuningdek, boshqa tomondan Korinf va Megara o'rtasidagi savdo raqobatlari dastlabki mojarolarni keltirib chiqargan edi.

Peloponnes urushining asosiy natijasi Afinaning Sparta bilan uzoq kurashidan so'ng batamom mag'lubiyatga uchrangani bo'ldi. Afinaliklar mag'lubiyatining ko'plab sabablari bor edi. Avvalo, Afinaning siyosati uning ittifoqdoshlarida norozilik uyg'otdi. Afinaning qudratli paytida ittifoqdoshlar foyda ko'rar edi, biroq yetakchining kuchi va irodasi sustlasha boshlaganda, ittifoq tarqaldi. Afina mag'lubiyatining boshqa sababi urush rejasining noboplighi edi: dengiz jangi bilan Spartadek kontinental davlatni qulatib bo'lmasdi. Afinaning qishloq xo'jaligi hududlari bilan aloqalarning uzilishi og'ir oqibatlariga olib keldi. Bundan tashqari afinaliklarda mustahkam boshqaruv yo'qolgan edi, operatsiyalarni amalga oshirishda noma'qulchiliklar ham bor edi. Bunga Sitsiliyaga uyushtirilgan ekspeditsiya misol bo'la oladi. U barbod bo'lgan edi. Va nihoyat, Afinaning mag'lubiyatiga Spartaliklarga forslarning moliyaviy yordam ko'rsatgani o'z ta'sirini o'tkazgan. Bu yordam spartaliklarga qudratli flot tuzib, afinaliklar eng kuchli bo'lgan joyda– dengizda – ularni mag'lub qilish imkonini bergandi. Xo'sh, spartaliklarning g'alabasi yunon polislariga nima olib keldi? Sparta urushni ellin ozodligini afinaliklar zulmidan qutqarish shiori ostida olib borgan. Ammo, Spartani qo'llab-quvvatlash va uning tarafida bo'lish bilan yunonlar aytarli hech nimaga erishishmadi. Afina gegemonligi o'rniga Spartaniki keldi, xolos. Natijada Afinada demokratlar va oligarxlar qator kurashlar bo'lib o'tdi.

Nihoyat, Afinada mil. av. 403-yilning kuzida demokratiya qayta tiklandi. Biroq, bu urushdan oldin Afinada hukm surgan o'sha buyuk demokratiyaning soyasi edi, xolos. Umuman olganda, yunonlar uchun Peloponnes urushining mohiyati salbiy bo'ldi. Yangi tinchlik va yangi boshqaruv tizimi avvalgidek mustahkam emasdi va tez orada ellinlar yangi ichki nizolar, kelishmovchiliklar ichida qoldilar. Urush fuqaroviy jamoalar o'rtasida kelishmovchilikning kelib chiqishiga sabab bo'ldi. U kambag'allar va boylar, shahar demosi va qishloq xo'jaligi aristokratlari, demokratlar va oligarxlar o'rtasidagi munosabatlarni yanada keskinlashtirdi..

Polis tuzumining inqirozi

Miloddan avvalgi V asr so'nggida yunon polislari uzoq davom etgan tushkunlik pallasiga kirdi. Fuqarolarning yopiq jamoasiga asoslangan yunon polislariida endilikda yer mulkchilik munosabatlarida keskin o'zgarishlar sodir bo'ladi. Yerga ishlov berishdan keladigan daromaddan ko'ra sudxo'rlikdan olinadigan foyda o'sib ketdi. Yerni sotish keng tarqaldi. Katta yer maydonlari ayrim fuqarolar qo'liga o'tib qoldi. Kambag'allashgan, yeridan ajragan fuqarolar o'z fuqarolik majburiyatini bajarmay qo'yidilar.

Mil.av.V asrda boylik ayrim xususiy kishilar qo'lida to'plandi va ular o'zlarining fuqarolik majburiyatini bajarishdan bo'yin tovlay boshladi. Ularning ko'pchiligi o'z mablag'larini dengiz savdosiga qo'yib, o'z polislariidan boshqa hududlarda katta -katta yer maydonlariga egalik qila boshladilar. Endi ma'lum bir polis fuqarosi bo'lish ahamiyatga ega bo'lmay qoldi. Bu davrda yunon polislariida davlat xo'jaligining mavjud emasligi hukumat g'aznasiga daromad tushmasligi olib keladi. Polislarning moliyaviy qiyinchiliklari uzluksiz urushlar, yollanma qo'shinlarning keng tarqalishi hamda harbiy ehtiyojlarga xarajatlarning muntazam ravishda o'sib borishi bilan qiyinlashdi.

Demokratik polislarda lavozimlarga haq to'lash, kambag'al fuqarolarga muntazam nafaqa berish tizimi bu qiyinchiliklarni yanada chuqurlashtirdi.

Avvallari Afina o'z xarajatlarini ittifoqchilar hisobidan to'ldirgan bo'lsa, mil.av.IV asrga kelib mulkdan olinadigan favqulodda soliq- **eysfora** bilan qoplay boshladi.

Mil. av. V asr so'nggida meteklar va chet elliklarga alohida xizmatlari uchun polis hududida yer va uylarga egalik qilish hollari tarqaldi.

Polis tushkunligi yollanma askarlarning tarqalishida ham ko'rindi. Chunki, yer mulkidan ajrab, qarzga botib, kambag'allashib qolgan fuqaro qurol- yarog' olishga mablag'i yo'q edi. Endi u begonalar manfaati uchun jang qilishni xohlamas edi.

Yunon polislariining tushkunligi quldorlik tizimining inqirozi emas edi, chunki qulchilik yanada rivojlandi.

Mil. av. IV asrda polislar tizimida turli ijtimoiy tabaqalar o'rtasidagi ziddiyatlar kuchaydi.

Biror bir polis qandaydir mustahkam birlashuvni tashkil qilish va ungarahbarlik qilish qobiliyatiga ega emas edi. Yunon polislari endilikda iqtisodiy-siyosiy jihatdan to'liq inqirozga yuz tutgan edi.

### **Назорат саволлари:**

1. Қадимги Спарта полиси хақида нималарни биласиз?
2. Пелопонес урушинининг моҳиятини тушунтиринг?
3. Афина ва Спарта ўртасидаги дипломатик конфликтни асоси..?
4. Афина денгиз иттифоқининг парчаланиши сабабларини изохлаб беринг?

## 5-мавзу: Коринф конгресси. Александр Македонскийнинг юришлари.

### **РЕЖА:**

- 5.1. Македониянинг юксалиши.
- 5.2. Афина ва Македониянинг дипломатик муносабатлари
- 5.3. Александр Македонскийнинг ташқи сиёсати.
- 5.4. Эллинизм.

**Таянч иборалар:** *Филипп II тузган “фаланга”, полислар ўртасидаги кураш, Афина ва Македония муносабатлари. Александр Македонскийнинг Кичик Осиё ва Мисрга юриши, Месопотамия ва Эрондаги зафарлар. Бобил пойтахт. Диодохлар ва эллин дунёси.*

Filipp II ning Yunonistonda mavqeyini ortib borishi, doimiy ichki ishlarga aralashuvi Afinani ehtiyot bo‘lishga undaydi. Makedoniya armiyasini o‘rta Yunonistonga kirib borishini to‘xtatish uchun Fermopilyo‘lini egallab oladi va Filippni Fessaliyaga kirib borishini to‘shib qo‘yadi. Makedoniyaliklarni O‘rta Yunonistonga yurishi omadsiz tugagandan so‘ng ular yana janubiy Frakiya hududlarini bosib olishni boshlaydi. Kuchli tayyorgarlikdan keyin Xalkidika ittifoqi markazi bo‘lgan Olimp shahriga hujum qiladi. Afinaliklar Olimpga yordam berish uchun unga 17 triera 300 otliq va 400 goplit jo‘natadi. Lekin Filipp yordam kelgunga qadar shahar taqdirini halqiladi.

Yunonlarning eng katta shaharlaridan biri bo‘lgan Olimp vayron qilinadi va aholisi shaharni tark etadi (mil.av.348-y.). Xalkidika ittifoqi tarqatib yuboriladi.

Filipp II yana Vatan urushiga aralashishni boshlaydi. Afina esa Xalkidika va janubiy Frakiyadagi yo‘qotishlardan keyin bu tarafdagi o‘z hududlarini saqlab qolish maqsadida Filipp II bilan sulh tuzadi. (Bu sulh mil.av.346-yilda Filokrad sulhi nomi bilan tarixga kirgan). Filipp II Afina bilan urushni to‘xtatgandan keyin markaziy Yunoniston ishlariga aralasha boshladi. U Fivani taklifini qabul qilib o‘zining armiyasini Fakidiya hududlariga olib kiradi. Filipp II o‘zining bor

e'tiborini Fakidiya va Fermopil yaqinidagi muhim strategik punktlarini nazorat qilishga qaratadi. Mil. av. 346-yil qariyb o'n yil davom etgan Vatan urushi nihoyasiga yetadi. Bu urush bir tarafdin yunon polislarining kuchsizlanishiga olib kelgan bo'lsa, Makedoniya davlatining siyosiy hokimiyatini yanada kuchaytirdi.

**Korinf Kongressi.** Mil. av. 337-yil Filipp II tashabbusi bilan Korinfda umumiyunon kongressi chaqirildi. Bu yo'l kongressda Yunonistondagi Makedoniya gegemonligini huquqiy jihatdan

mustahkamlash va yunonlarni Makedon podshosi qo'li ostida birlashtirish edi. Kongressda yunon xalqlarining Ellin ittifoqi tuzildi, Filipp II esa gegemon sifatida e'lon qilindi. Filipp II harbiy qo'shin oliy bosh qo'mondoni bo'ldi va tashqi siyosat boshqaruvini ham o'z qo'liga oldi. Barcha yunon urushlari to'xtatildi va Yunonistonda umumiy tinchlik o'rnatildi. Bir-birining ichki ishlariga aralashish ta'qiqlandi va siyosiy tuzilishni o'zgartirish man qilindi. Qaroqchilarga qarshi urush e'lon qilindi. Dengizlarda savdo-sotiq maqsadida suzuvchilarni ozodligi mustahkamlandi. Filipp II mil. av. 336-yilda Kichik Osiyoga yurish arafasida o'z xizmatkori tomonidan o'ldiriladi. Makedoniyalik podshoning vorisi sifatida uning o'g'li Aleksandr taxtga o'tiradi. Uning ismi bilan yunon tarixida ellinizm yangi davrga o'tadi.

### **Aleksandr Makedonskiy imperiyasi.**

Filipp II imperiyani boshqara turib Makedoniyani Dunay daryosidan markaziy Yunonistongacha cho'zilgan hududda yetakchi harbiy mamlakatga aylantirdi. Uning o'limi Osiyoga rejalashtirilgan hujumlar va barcha yutuqlarni xavf ostiga qo'ydi. Aleksandr III miloddan avvalgi 336 yilda otasi o'lgan vaqtda 20 yoshda edi. Bashoratchilar keyinroq uning hukmronligi haqida aytgan edilar. Garchi Filippni bir nechta xotinlaridan merosxo'rlari bo'lsa ham, Aleksandrga Filippning butun hokimiyati merosxo'ri sifatida qaraganlar va uning kelajagi uchun qattiq qayg'urganlar. Aristotel bilan birga bir nechta yunon ustozlari yunon adabiyoti va madaniyatidan ta'lim bergan. Aleksandr ulardan bir umrlik Gomerga muhabbatni va afsonaviy ajdodlari Axill va Geraklning qahramonliklariga tenglashish yoki o'tib ketish maqsadini oldi.

Aleksandrda, shuningdek, Filipp yo‘q paytida davlatni boshqarish bo‘yicha amaliy tajriba bor edi va Frakiya qo‘zg‘olonini bostirgan edi. U hattoki miloddan avvalgi 338 yildagi Xeroneya jangida otliq qo‘shinlariga qo‘mondonlik qilgan edi. Shunday bo‘lsada uning davomchiligini hem kim kafolatlamagan edi. Filippning eng keksa qo‘mondoni Antipeyter Aleksandrni xavf-xatarlardan qutqarib hukmronlik ramzi bo‘lgan Egey dengizidagi makedon qo‘shinlarini unga taqdim qildi.

Aleksandrning shaxsiy mavqeyi imperiyaning dastlabki inqirozli yilida unchalik mustahkam emas edi. Bunga Filippning ba‘zi amaldorlari Yunonistonni qo‘ldan berish xavfi tufayli Makedoniyaning shimoliy o‘lkalarini mustaqil qilishga bo‘lgan harakatlari sabab bo‘ldi.

Yunoniston Aleksandrning e‘tiborini tortdi. Filippning dafn marosimi tugashi bilanoq, Aleksandr Filippning o‘chini olish uchun o‘zini mustaqil deb e‘lon qilgan Yunonistonning asosiy polislari Afina va Fivaga yurish qilishga qaror qildi. Aleksandr Makedoniyaning Fessaliya va Korinf Ligalaridagi gegemonligini tasdiqladi. Yunonistondan qaytgan Aleksandr mil. av. 335-yil bahorida Filipp o‘limidan keyin Makedoniya asoratidan qulutishga harakat qilgan Tirakiya va Illiriyaga qarshi yurish qildi.

Aleksandr harbiy harakatlarni Danube daryosining shimoligacha uzaytirdi. Filipp II ning mil. av. 339-yil Skutiyadagi g‘alabasidan keyin kamsitilgan Triballi Aleksandrda xotinlari va bolalari bilan yashayotgan orolga omonlik so‘raydi. Qolgan Tirakiya qabilalari Geta va Danube orasida qolishga majbur bo‘lishdi.

**Kichik Osiyoning istilo etilishi.** Makedoniya mustahkamlangach, Aleksandr mil. av. 334-yilning bahorida Osiyoga yurish boshladi. Uning armiyasi to‘liq 37.000 kishi edi, bundan Makedoniya falanga piyodalari 12.000 nafar, qo‘shimcha 3.000 kishilik „qirol gvardiyasi“ va 1800 kishilik otliq askarlar edi. Bundan tashqari, Illiriya va Tihrasaning 9.000 ga yaqin yunon piyoda va otliq askarlari ham mavjud edi. Qo‘shinlarning transport vositasi bo‘lib 200 ta yunon kemalari xizmat qiladi.



Aleksandrning Osiyodagi dastlabki harakatlari xuddi teatr sahnasidagiday bo'ldi. U Osiyo tuprog'iga qadam qo'ygan ilk Makedoniya podshosi bo'ldi. Keyinchalik Aleksandr Troya shahriga bordi, afsonaviy Troya shohi Triamdan Afinani bosib olgani uchun kechirim so'radi va ajdodi Axillesga xurmat ko'rsatdi.

**Granik jangi (mil.av.334-yil)** Forslar Aleksandrni dastlab hozirgi Turkiya hududida kutib olishdi. Ilk to'qnashuv Granik daryosi, hozirgi Ko'chabosh bo'yida, Anatoliyaning shimoli-g'arbida bo'ldi. Bu davrda forslar tomonida yunon yollanma askarlari ham bo'lgan. Jangda Aleksandr Troyadan Afinaga keltirilgan zirhda tushdi. "Axilles zirhi"deb nom olgan bu zirh forslarni sarosimaga soldi. Jangda Aleksandr yaralanib, uning hayotini hamshirasining akasi Klit qutqarib qoldi. Jangda Aleksandr 2.000 nafar vatan xoinini qatl ettirdi, tirik qolganlarini Makedoniyagacha bo'yinlarida zanjir bilan olib bordi.

Aleksandr askarlari Anatoliyaning janubi bo'ylab g'arbgga harakat qila boshladi va fors satrapliklari Lidiya, Kariava Lusiani egalladi. Mil.av. 333-yil bahorigacha Aleksandr hozirgi Anatoliya markazi Anqara, o'sha paytdagi Frigiya poytaxti Gordiumga yetib bordi.

Kichik Osiyodagi mag'lubiyatlardan keyin DoroIII qo'shinga iste'dodli sarkarda Memnonni qo'mondon qilib tayinlaydi. Memnon Milet shahrini mustahkam qilishga harakat qiladi, lekin tasodifiy halokat tufayli vafot etadi. Aleksandr ixtiyorida otliq va piyoda qo'shnlardan tashqari, harbiy flot ham bo'lganligi va qamal dengizdan ham amalga oshirilganligi hisobiga Milet shahri egallandi. Endi Aleksandr Kichik Osiyoning ichiga qarab-Kappadokiyaga qarab harakat boshladi. Bu yerlarda yashovchi mahalliy qabila va elatlar Eron hokimiyati ostida bo'lsalar ham, mustaqillikka intilar va eron zulmidan aziyat chekar edilar. Shu tufayli ular Aleksandr va Makedoniya armiyasini xursandchilik bilan kutib oldilar.

**Iss jangi (mil. av. 333-yil).** Kichik Osiyo yarimorolida, O'rtayer dengizi shimoli-sharqiy qirg'og'idagi Iss shahri yaqinida Fors podshosi Doro III va Makedoniya podshosi Aleksandr o'rtasida dastlabki yirik jang bo'lib o'tdi. Doro III taktikasiga ko'ra, podsho otryadi va eng yaxshi harbiy tuzilmalar qo'shin

markazida joylashgan edi. Eron armiyasida chap qanot ham kuchli bo'lgan. Jang davomida forslar Filippning yaqin do'sti Parmenion boshchilik qilayotgan Makedoniya armiyasining o'ng qanotini qisib qo'ydilar. Natijada, Aleksandr yordamga yetib keldi va forslarning rejasini barbod qildi.

Aleksandr fors qo'shinlari markaziga nisbatan kuchli bo'lgan otliq qo'shinlarini yuboradi. Jang maydoni noqulay bo'lganligi sababli forslar butun boshli qo'shinni ishga sola olmaydilar. Jang og'ir bo'ldi va yakunda Eron qo'shini tor-mor keltirildi. Aleksandr shohning barcha aravalarini egalladi, ularning orasida Doro III ning oilasi ham bor edi.

Iss jangidan keyin forslar qarshiligini yetarli miqdorda yenggan Aleksandr Suriya va Finikiya tomon yo'l oldi. Lekin, bu hududda Tir shahrigina ma'lum vaqt qarshilikni ko'rsatdi. Qattiq qamal bo'lganiga qaramasdan Aleksandr Tir shahrini egalladi va shaharni vayron etdi, 30.000 ga yaqin shahar aholisi qul qilib sotibyuborildi.

**Aleksandr Makedonskiy Misrda.** Aleksandr yurishni Finikiyadan janubga qarab davom ettiradi. Mil.av.332-yilda Aleksandr Misrga yurish qildi. Misrliklar Makedon qo'shinlarini xursandchilik bilan kutib oldilar. Misrdagi Eron satrapi Aleksandrga qarshilik ko'rsatish o'rniga unga xayrixohlik bildirdi va kohinlar bilan birga Aleksandrni kutib olgani chiqdi. Misrliklar Eron asoratidan qutulganlariga xursand edilar. Ularning xursand bo'lishiga yana bir sabab Aleksandrning Misr xudolariga qurbonlik qilish haqida buyruq berganligi va Misr kohinlaridan bu diniy rusum qanday bajarilishi haqida so'raganligi bo'ldi. Nafaqat oddiy Misrahli, balki, zodagonlar va kohinlar ham yosh Aleksandrning Misr dini va urf-odatlariga muhabbatini ko'rib xursand bo'lganlar. Kohinlar Aleksandrni fir'avn deb e'lon qildilar va o'z-o'zidan Aleksandr quyosh xudosi Amon-Raning o'g'liga aylandi. Mil. av. 332-yilda Aleksandr Nil daryosi quyilish joyidagi deltada Aleksandriya shahrini qurdirdi. Bu shahar keyinchalik shakllangan ellinistik dunyoning eng ravnaq topgan shahriga aylandi.

**Aleksandriyadan Persepolisgacha: Osiyonings hohi (mil. av. 331-330yy).** Aleksandriyada qisqa vaqt to'xtagan Aleksandr Misrni tark etdi va Doro III bilan

qat'iy yuzlashishga yo'l izladi. Doro III unga jang oldidan o'zining to'ng'ich qiziga uylanishni va Frot daryosidan g'arbdagi barcha yerlarni olishi va oilasining barcha a'zolarini katta pul evaziga qutqarib qolishni taklif qildi.

Parmenion Aleksandrga Doro III ning taklifini qabul qilish kerakligini aytdi. Biroq, Aleksandr unga rad javobini berdi va „Men Parmenion bo'lganimda rozi bo'lardim, lekin unday emas” deb javob berdi. Aleksandrdan rad javobini olgan Doro III shoshma-shosharlik bilan makedoniyaliklarga qarshi qo'shin to'pladi. Ikki o'rtadagi hal qiluvchi jang mil.av. 331-yil 1-oktyabr kuni shimoli-sharqiy Iroqdagi Gavgamel qishlog'ida bo'ldi. DoroIII boshliq forslarning mag'lub bo'lishi tufayli bu jang yunon tarixidagi eng yaxshi ta'riflangan jang bo'ldi.

**Gavgamel jangi (mil. av. 331-yil).** Iss jangida mag'lub bo'lganidan keyingi yillar davomida Doro III armiyasiga askarlarni ehtiyotkorlik bilan tanladi. Yangi armiyaning otliq qo'shini ayniqsa kuchli edi. Lekin, piyoda askarlarning oldingi qatori kuchsiz edi. Doro III Gavgamel jangida qo'llagan rejasi bo'yicha otliq qo'shinlar Aleksandr qo'shinlarini o'rab olishga umidqildi. Doroning ehtiyotkorlik bilan qilgan tadbirlariga qaramasdan Gavgamel jangi natijasi ham Issga o'xshash bo'ldi. Jangda Aleksandr otliq qo'shini Fors armiyasining markaziga hujum qildi. Doro III jang maydonini tark etdi va Eronning sharqi tomon qochadi. Aleksandr Doro III ni asirga ololmagan bo'lsa-da, Fors imperiyasining markazini egalladi. Doro III ning omon qolgan askarlari Aleksandrni Osiyoning shohi deb olqishlashdi. Aleksandr Bobil, Suza va Persepolni egalladi. Bular Aleksandr uchun berilgan uch ulkan in'om bo'ldi. Aleksandr Bobilga mil.av. 331-yil oktabr oyi o'rtalarida tantana bilan kirib keldi. Misrdagidek, Aleksandr ruhoniylarni tinchlantirish yo'lini qidirdi, Bobilning bosh xudosi Marduqqa qurbonlik qilishni taklif qildi va forslklar deyarli bir asr oldin qo'zg'olonchilarni jazolash uchun buzgan ibodatxonasini qaytadan qurish to'g'risida buyruq berdi. Aleksandr taslim bo'lgan va uning tomoniga o'tgan Suza va Bobil satraplarini mukofotlaydi. Lekin, Persepol shahri va aholisining ahvoli boshqacha bo'ldi.

**Persepolning vayron etilishi.** Persepol Fors imperiyasining markazi bo'lib, forslarning ommaviy tadbirlari va yangi yil bayramlari, shuningdek, soliq

topshirishga oid diniy marosimlari ham shu yerda o'tkazilgan. Bu yerda Doro I hukmronligi davrida yunon elchilari kamsitilgan edi. Persepol yunonlarga va boshqa xalqlarga forslar hukmronligini ko'rsatishi kerak edi, shuningdek, boshqa insonlarga bu qo'rquvni tarqatishi kerak bo'lgan. Aleksandr bu ishlarni mil.av.Vasrda yunon-fors urushlarida vayron etilgan shaharlar uchun o'ch olish maqsadida tanladi. Mil.av.330-yil aprelida Persepolni tark etishdan oldin makedoniyaliklar shahardagi saroylarga o't qo'ydilar.

Harbiy bo'lmagan ko'pchilik aholi xususan, ayollar, bolalar va barcha xohlovchilar armiyaga qo'shilishdi. Aytishlaricha, shirakayf ahvolda bo'lgan afinalik Tais Aleksandrga mil.av.480-yil forslar tomonidan vayron etilgan Afina uchun qasos olish maqsadida Persepolni yondirishni taklif qildi, Persepolni yondirishga askarlarni ruhlantirdi, lekin Aleksandr shaharni butunlay zabt etish va vayron qilishga qaror qildi. Taslim bo'lganiga qaramasdan, Persepolning taqdiri Fiva va Tirga o'xshash bo'ldi. XX asrda amerikalik arxeologlar Persepolni qazib topishdi. Qazishmalar shuningdek, bu yerdagi saroylar xazinalarga boy bo'lgani, ular Fors imperiyasi hukmronligi davrida ikki asr davomida to'plangani va haqiqatan yong'in natijasida vayron bo'lganini ko'rsatdi. Persepolning yondirilishi bilan Aleksandr yunon yurishlarining oxiri g'alaba bilan tugaganiga ishoraberdi.

**Hindistonga uzoq yo'l: Aleksandr O'rta Osiyoda.** Aleksandr Persepolning yonishini kuzatar ekan, oldinda uni to'rt yillik mashaqqatli yurishlar kutayotganini bilmagan edi. Birinchidan, uning omadli taqdiri chegarasi davom etayotgandek tuyulardi. Doro III Midiyadan sharqqa tomon qochdi. Aleksandr Ekbatanni va Doro III ning xazinalarini to'laligicha egalladi. Fors va Midiya xavfsiz bo'lgach, Aleksandr Doro III ning yunon askarlarini ozod qildi. Bularning barchasi Doro III ni asirga olish va Ahmoniylar sulolasini tugatish uchun qaratilgan edi.

**Doroning o'limi (mil.av.330-yil).** Aleksandr Doro III Baqtriyaga, hozirgi Afg'onistonga, yetib olmasidan avval xalaqit qilishga umid qildi va uni ta'qib etishni davom ettirdi. Biroq, sharqiy satrapliklardagi siyosiy to'da boshlig'I Baqtriya satrapi Bess tomonidan mil.av.330-yilda Doro III o'ldirildi. Afsuski, Bess Baqtriyaga qochdi va u yerda Artakserks IV nomi bilan Fors taxtiga o'tirdi.

Doroning o'limidan Aleksandr Makedoniya va Eronni birlashtirish uchun o'ziga xos belgi sifatida foydalanmoqchi bo'ldi. Doroning jasadi Eronga qaytarildi va shohona e'tibor bilan yondirildi. Shundan keyin, "Aleksandr Doroning qasdini oldi", degan mish-mish tarqaldi.

Aleksandrning strategiyasi aqlli va foydali edi. Chunki, omon qolgan Ahmoniylar oilasi vakillari va Fors zodagonlari Aleksandr Makedonskiyga qo'shildi. Unga qarshi bo'lib qolgan Bess kuch-quvvatdan siqib qo'yildi. Qarshilik natijasida Aleksandr Iroq sharqigacha siljidi. Oxiri, mil.av.329-yil bahorida, Bessning do'stlari uning tirik qolishidan xavfsirab, uni Aleksandrdan kechirim so'rashga majbur qilishdi. Ahmoniylar davomchilarining bu harakatlari tufayli Aleksandr Makedonskiy Bessni sudga keltirdi va qatl hukmini ijro etdi.

**Baqtriya va So'g'diyona uchun kurash (mil. av. 330-327-yy).** So'g'diyona va Baqtriya chegaralari bo'ylab makedonlarga qarshi ozodlik kurashi boshlandi. Qo'zg'olon uch yil davom etdi. Qo'zg'olon tugaguncha, ya'ni mil.av.327-yilgacha Aleksandr Makedonskiy harbiy mag'lubiyatlardan aziyat chekdi va hududni nazorat qilish bo'yicha qiyinchiliklarga uchradi. Hukmdor Eron satraplari o'rniga yunon va makedon rasmiylarini qo'ydi. U shuningdek, armiyada bo'shab qolgan o'rinlarni to'ldirish uchun So'g'diyona va Baqtriya yoshlarini tanladi.

Yunon va makedoniyaliklardan iborat bo'lgan armiya uzoq vaqt uydan olisda bo'lishdan charchagan edi. Aleksandr Makedonskiy qo'shinlarga ortga qaytish muddatini Doroning o'limi deb aytgan edi. Lekin, Baqtriya va So'g'diyona bosib olingani bilan ham ortga qaytish haqida buyruq berilmadi. Ko'pchilik makedoniyaliklar podshoni tashlab ketib, Eron hududida Makedoniya qirolligi nusxasidagi qirollik tuzish niyatida edilar. Norozilikning eng yuqori cho'qqisi mil.av.327-yil bahorida Aleksandr Makedonskiyning obro'li Sug'd zodagonining qizi Roksanaga uylanishi bo'ldi.

Nikohdan albatta siyosiy manfaat ko'zlangan edi. Endi Baqtriya va So'g'diyona qabila yo'l boshchilari unga ittifoqchi edilar. Aleksandr Makedonskiy bu keng hududni ular orqali boshqarmoqchi edi.

Aleksandr Makedonskiyning muvaffaqiyatsiz qarorlaridan biri bu diniy sohaga oid edi. Aleksandrning xudo Amonning o'g'li deb e'lon qilishi ham qo'shin orasida ma'lum noroziliklarni keltirib chiqargandi. Bu haqidagi qarashlarni Arrian va Plutarx asarlarida ham ko'rishimiz mumkin.

Muammoning dastlabki belgisi mil.av.330-yil oxirida otliq qo'shinlar sarkardasi, Parmenionning o'g'li Filotas bilan sodir bo'ldi. U podshoga qaratilgan fitnada aybdor sifatida qatl etildi. Shuningdek, ushbu fitnaga aloqador deb topilgan Antipatarning o'g'li AleksandrLinkestis ham o'ldirildi.

Eng dahshatli fojia mil.av.328-yil kuzida ro'y berdi. Klit Qora Aleksandrning hayotini Granik jangida asrab qolgan edi. Keyinchalik, Klit hukmdorning forslarni qo'llab-quvvatlash siyosatiga qarshi chiqdi. Aleksandr Makedonskiyning tarixchisi Kallistenis, ma'lumotlariga ko'ra, u qo'lga olindi va o'ldirildi.

Mil. av. 327-yil yozigacha So'g'diyona va Baqtriya mustahkamlandi. Bu Aleksandr Makedonskiyga holdan toygan va ma'lum miqdorda zerikkan armiyani qaytadan to'ldirish va shakllantirishga imkon yaratdi.

Aleksandrning atrofida muhim o'zgarishlar sodir bo'ldi. Perdika, Krater, Lusimax va Ptolomeylar Makedoniyaning „eski qo'shin“iga aylandi. Ular Aleksandr o'limidan keyin bo'lgan siyosiy o'zgarishlarda muhim rol o'ynadi.

**Hindiston va orzuning oxiri.** Aleksandr Makedonskiy mil. av. 327-yil Hindistonga yetib kelganida, noma'lum dunyoning oxiriga yetib keldim deb ishongan edi. Yunonlar va forslar hozirgi Pokiston hududidagi Hind daryosini yerning oxiri deb ishonishgan. Aristotel Hindistondan chetda bor-yo'g'I buyuk cho'l va okean bor deb aytgan. DoroI davrida forslar Hindistonni Fors imperiyasi tarkibiga qo'shib olganlariga qaramasdan ular yunonlar borgan hududlarga yetib bormagan edilar. Aleksandr Makedonskiy Dionis va Gerakl, afsonaviy Ossuriya qirolichasi Semiramida bora olmagan afsonaviy hududlar, daraxt yaproqlaridan kiyim kiyadigan odamxo'r va vahshiy odamlar va hayvonlar yashaydigan, chumolilar oltin qazib oladigan yerlarga yetdim, deb hisoblagan.

Aleksandr Makedonskiy qo'shinlari dastlab Hind vodiysidagi Panjobga kiradi. U tarqoq holda bo'lgan hind knyazlaridan ma'lum qismini o'z tomoniga og'dirdi. Panjob o'lkasida Aleksandr Makedonskiyga taniqli hind sarkardasi Por qarshilik ko'rsatdi. Gidasp jangida makedon va hind qo'shinlari to'qnash keldilar. Hind armiyasining asosiy yutug'i jangovar fillarning mavjud bo'lganligi edi. Makedonlarning kuchli otliq qo'shinlaridagi otlar fillardan qo'rqar edi. Biroq, Aleksandr Makedonskiy buyrug' bilan askarlar fillarning orqa tarafidan borib, ularning maxsus oyoq tomirlarini kesib tashlash orqali fillarni zararsizlantirishdi. Shiddatli jang natijasiga ko'ra, makedonlar g'alaba qozonishdi.

Aleksandr Makedonskiy ulkan imperiya tarkibiga kirgan Hindiston hududini bevosita Makedoniyadan turib boshqarish mumkin emasligini yaxshi tushunar edi. Shuning uchun ham u Hind vodiysidagi yerlarni boshqarishni mahalliy hukmdorlar ixtiyorida qoldirdi. Natijada, bevosita ulkan hudud Makedoniyaning vassaliga aylandi. Aleksandr Makedonskiy Gang daryosi vodiysigacha borish niyatida edi, lekin bu davrda mamlakatda boshlangan kuchli yog'ingarchilik oqibatida qo'shin orasida bezgak va boshqa kasalliklar tarqala boshladi. Natijada, qo'shinpodshobilan Gang vodiysigaborishdan boshtortdi.

Aleksandr Makedonskiy ortiga qaytishga qaror qilgan ekan, yangi hududlar orqali qaytishga qaror qildi. Uning buyrug'iga ko'ra, harbiy kemalar qurildi va qo'shin Hind daryosi orqali Hind okeanigacha suzib boradi. Shundan keyin qo'shin ikki qismga bo'linadi. Quruqlikdagi qo'shinga shaxsan Aleksandr Makedonskiy boshchilik qiladi va Gedroziya cho'li orqali ortga qaytadi. Ikkinchi qismi Aleksandrning yordamchisi Nearx boshchiligida kemalarda Hind okeani orqali Fors ko'rfazidan o'tib, Frot orqali Bobilga chiqishi lozim edi. Aleksandr Makedonskiy ulkan imperiya poytaxti etib aynan Bobil shahrini tanladi.

Gedroziya cho'li orqali orqaga qaytar ekan, qo'shin juda ham mashaqqatli sinovlarni boshdan kechirdi. Cho'ldagi suvsizlikdan qutulish uchun quduqlar qazildi, lekin suvsizlik o'z kuchini ko'rsatdi. Natijada qo'shinning uchdan bir qismi qirilib ketdi. Og'ir qiyinchiliklarga qaramay armiyaning ikki qismi ham Bobilga yetib keldi.

Mil. av. 323-yil bahorida Bobil shahrida Aleksandr Makedonskiy o‘zi bosib olgan davlatlardan kelgan delegatsiyalarni qabul qildi. Jumladan, yunonlarning ham maxsus delegatsiyalari kelgan edi. Aleksandr marosim davomida kelgusi rejasi Arabistonni bosib olish kerakligini aytdi.

Lekin, hech qancha vaqt o‘tmay mash‘um voqea sodir bo‘ldi. Mil.av.323-yil 29-may kuni bo‘lgan bazmda Aleksandr Makedonskiy o‘z askarlari tomonidan zaharlandi. Ikki haftalik og‘ir betoblikdan so‘ng, mil.av. 323-yil 10-iyun kuni Aleksandr vafot etdi. Bobilda vafot etgan paytida, Aleksandr Makedonskiy hali o‘ttiz uch yoshga ham to‘lmagan edi.

### Назорат саволлари

1. Македония подшолиги ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари дегенда нималарни тушунасиз?
2. Македония ва Афина муносабатлари?
3. Парфия –деганда қайер тушунилади?
4. Атлантизм бу?.
5. Дастлабки эллин давлатлари ташқи сиёсати бу..?

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1-Амалий машғулот:

**“Византия ва “варварлар” давлатлари. Византияда халқаро ва дипломатик алоқалар шакллари.**

**Ишдан мақсад:** Ўқув жараёнида геосиёсатнинг долзарб муаммолари фани ва унинг ўзига хос хусусиятларини қўллаш ва амалда жорий этиш кўникмасига эга бўлиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

Византия дипломатиясининг асосий вазифаси варварларни империяга таҳдид солиш ўрнига унга хизмат қилишга мажбур этишни сабабларини таҳлил қилиб, олий таълим жараёнида ўқитишда қўллашни ўрганиш.



Таянч тушунчалар, ҳар бир мавзуга оид атамалар моҳиятини билиш.  
Мавзу юзасидан сўнгги йилларда фанда эришилган ютуқлар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш.

### **Ишни бажариш учун намуна:**

Тингловчилар қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши зарур:

Византия дипломатияси тушунчасига тўлиқ эга бўлиши;

Ўрта асрда Византия дипломатияси тарихига оид таълим ресурсларини билиши;

Замонавий ахборот жамиятида халқаро муносабатларнинг ривожини англаб етиш;

Византия империяси ташқи сиёсатига оид билимларни олий таълим жараёнида қўлланилиши ҳақида билиш;

Византиянинг ташқи сиёсатдаги асосий мақсадини тушуниши;

Византия империясидаги халқаро муносабатлар тарихи соҳасида халқаро ва миллий тажрибалар уйғунлигини билиши.

### **Назорат саволлари:**

1. Византия империяси дипломатияси Ўрта асрда қандай аҳамиятга эга эди?
2. Византия дипломатик этикети назариясининг моҳияти нимада?
3. Шарқий Рим империяси ташқи сиёсатининг асосий йўналишини тўғри изоҳланг?

### **2-Амалий машғулот:**

#### **XIX асрнинг охирги чорагида халқаро муносабатлар ва дипломатия. Россия-Туркия уруши (1877-78 йй.) ва Берлин конгресси.**

**Ишдан мақсад:** XIX асрнинг охирги чорагида халқаро муносабатлар ва дипломатия тарихига оид ёндошувлар адабиётлар билан танишиб, давлат бошқаруви назарияларни жорий этиш амалиётини ўрганиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

Россия-Туркия уруши (1877-78 йй.) ва Берлин конгрессини халқаро сиёсий майдондаги аҳамиятини асослаб берилиши;

Россия-Туркия уруши (1877-78 йй.) ва Берлин конгрессининг моҳиятини тушунтириб бериши;

Таянч тушунчалар, ҳар бир мавзуга оид атамалар мазмунини билиши;

Мавзу юзасидан сўнгги йилларда фанда эришилган ютуқларни изоҳлаб бериши лозим.

### **Ишни бажариш учун намуна:**

Тингловчилар қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши зарур:

Дипломатик ёндошувларда тараққиёт омилларини билиш;

Янги даврда жамият тараққиётида “Катта ўйин” дипломатиясининг ўрнини билиш;

Давлат бошқарувга дипломатик назарияларни жорий этишнинг ўзига хос

жихатлари ва босқичларини тушуниш;

Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш муаммолари ва уларни ечиш йўналишларини билиш;

Давлат бошқарувида дипломатик ёндошувлардан фойдаланишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш сирларини билиш;

### Назорат саволлари:

1. Англия ва Франция қарама-қаршилиги ҳақида нималарни биласиз?.
2. Рус геосиёсий концепциялари асосини кимлар яратганлар?
3. Катта ўйин назарияси деганда нималарни тушунасиз?.
4. Усманийлар империяси парчаланишининг геосиёсий аҳамияти нимада?

### 3-амалий машғулот:

**Потсдам конференциялари. БМТ-нинг ташкил этилиши. Ишдан мақсад:**

Потсдам тизими ва унинг халқаро аҳамияти борасида фикр юритишни ўргатиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

1. Икки кутубли дунёнинг геосиёсий ғояларидан хабардор бўлиш
2. НАТО ва Варшава шартномаси ҳақида маълумотга эга бўлиш.
3. АҚШ ва Европа иттифоқи борасида ўз фикрига эга бўлишни ўргатиш

### Назорат саволлари:

1. Совуқ урушнинг сабабчилари қайси давлатлар эди?
2. Вьетнам уруши натижасида АҚШ ..?
3. Ғарб давлатлари ташқи иқтисодий концепцияси қачон пайдо бўлган?
4. БМТнинг халқаро ҳуқуқ тизимидаги аҳамиятини ёритиб беринг?
5. Халқаро муносабатларда “Атлантизм” ғоясининг асослари деганда нималарни тушунасиз?

### 4-амалий машғулот

**“Совуқ урушнинг” бошланиши. НАТО ва Варшава шартномаси ташкилоти. Ишдан мақсад:** Совуқ урушнинг асосий сабаблари ва оқибатлари ҳақида маълумотга эга бўлиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

1. Инглиз-саксон геосиёсий мактаби тушунчаси.
2. “Корея уруши” ва “Вьетнам уруши” ни ёритиб бериш
3. Варшава шартномаси ташкилотини стратегиясини билиш.

### Назорат саволлари:

1. Россиянинг машхур геосиёсатчи олимларидан кимларни биласиз?
2. С.Хантингтон фаолиятининг асосий йўналиши нимага қаратилган?
3. “Афғон уруши” ва СССРни парчаланиш сабаблани ёритиб беринг?.
4. З.Бжезинскийнинг қайси асаарида совуқ уруш ўз аксини топан?

## КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАТЕРИАЛАРИ

### 1-кўчма машғулот:

#### Геосиёсатда Хартланд ва Римланд тушунчаси таҳлили.

Геосиёсатда Хартланд ва Римланд қарама-қаршилиги борасида қатор геосиёсий кучларни ифода этувчи етакчи давлатларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида маълумот бериш. Шу билан бирга ривожланган мамлакатларда геосиёсат фанининг ўқитилиши. Ўзбекистонда Римланд ва Хартландга муносабатни аниқлаш.

**Ишдан мақсад:** Ҳозирги кунда Римланд ва Хартланд фақида геосиёсий қарашларни таҳлил қилишга ва ҳолисона фикр билдиришга ёргатиш.

Машғулот Ўзбекистон Республикаси ЎзМУ тарих факультети мутахассисларини таклиф этган ҳолда замонавий геосиёсатга оид муаммоли суҳбатлар шаклида тадбир ўтказилади.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Кейс-методини амалга ошириш босқичлари:



### Кейс 1

“Web-хостинг хизматини танлашда Сиз айнан UZINFOCOM Марказининг технологик майдончасидан фойдаланишинизгизни асослаб беринг?”

Мазкур кейс ролли ўйин кўринишида амалга оширилади. Ролли ўйин методининг асосий мақсади тингловчиларни фақат тинглаши эмас, балки билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш орқали таълим жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган. Ўйин ҳар хил муаммоларни ҳал этишдаги имитацион фаолиятларни тузиш учун энг қулай асос ҳисобланади.

*(Таълим жараёнида ролли ўйинлардан фойдаланиш тингловчиларни фаол позицияга эга бўлиши, масала моҳиятини англаш ва унга тезкор*

*муносабат билдиришни тақозо этади. Ролли ўйинда иштирокчилар фаолияти ўйин комплексидан стимул олади. Иштирокчилар ўйин давомида вазиятни таҳлил қилишади. Бунинг учун уларга ҳеч ким ёрдам бермайди. Ўзларини бошқариш ва уюштиришлари орқали натижаларга эришадилар. Иштирокчилар мураккаб вазиятлар билан боғлиқ ўйин мақсадларига шахсий ҳаракатлари орқали эришадилар ва хулосаларни ўзлари қабул қиладилар. Ролли ўйинлар иштирокчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради. Ролли ўйин бошқа ўйинлардан фарқли мақсади жамоавий ёки индивидуал қарор қабул қилишга ва муаммоларни ечимини дебат орқали топшига асосланади)*

**Тренинг мақсади:** тарих фанини ўқитишнинг замонавий технологиялари бугунги ҳолати, муаммолари ва истиқбол масалалари ҳақида тушунчага эга бўлиш ҳамда уларни ҳал этиш чораларини рол вазифасидан келиб чиққан ҳолда индивидуал ва жамоавий ҳолда излаш.

**Машғулотни ўтказиш тартиби:** Иштирокчилар “SJ”, “MM”, “P” ва “G” белгилар тушурилган жетонларни танлаб 4та гуруҳга бўлинадилар. Шундан сўнг тренер бу тимсоллар нимани аниқлаши ва унинг соҳиблари қандай ролни бажаришлари кераклиги ҳақида тушунча беради. “G” – давлат ва жамоа раҳбарлари белгиси, “MM” - Масс медиа, ОАВлари ходимлари белгиси, “SJ” – тарих педагогикаси вакиллари, блогерлар ва “P” – жамоатчилик ҳисобланади. Тренинг шартлари тушунтирилади. Шундан сўнг қисқа видеокейс намоёйиш этилади. Гуруҳ аъзолари ролга киришишлари учун уларга А3 форматда қоғоз берилади ва ҳар бир гуруҳ ўз мавқеига кўра кўтарилган масала бўйича амалга оширадиган вазифаларини ёзиб чиқади. Мазкур ишга 10-15 дақиқа вақт ажратилади. Шундан сўнг гуруҳларнинг тақдимот иши амалга оширилади.

Тренинг давомида гуруҳ аъзолари муқобил гуруҳга уларнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда саволлар ёки эътирозлар билан муносабат қилишлари мумкин. Бу ҳар бир иштирокчининг фаол қатнашувини таъминлайди, яқка тартибдаги фаолиятини белгилайди. Мазкур стереотип қарашларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш, асослаш гуруҳ аъзоларидан талаб қилинади. Тренинг якунида унинг натижалари хусусида фикр алмашилинади. Ва масала ечими борасида аниқ тўхтамга келинади.


**Қўлланиладиган воситалар:** экран, қоғоз, фломастер, маркер.

## Кейс 2

Тингловчилар эътиборига расм ҳавола этилади, унда акс этган муаммони тарихий материал сифатида жамоатчилик эътиборига олиб чиқиш учун бир қатор саволлар бўйича суриштирув ишлари олиб бориш, сарлавҳа

топиш ва воқеа давоми сифатида оригинал ечим ва хулоса қилиш вазифаси юклатилади.

1. Бу қандай ҳолат? (вазият тушунтирилади)
2. Нима сабабдан бу ҳолат юз берди? (Бир неча сабаблар кўрсатилади)
2. Бу каби ҳолатлар олди олинмаса қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? (Бир неча асосли фикрлар билдирилади)
3. Унга қарши қандай чоралар кўриш керак? (Бир қатор ҳал этиш чоралари билдирилади).
4. Хулоса қандай бўлади?



## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- таркатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### Мустақил таълим мавзулари

1. “Испан мероси” (1701-1714) учун уруш ва халқаро муносабатлар.
2. “Совуқ уршининг” бошланиши ва халқаро муносабатлар.
3. “Шарқий масала” халқаро муносабатлар тизимида ( XIX асрнинг биринчи ярми)
4. “Шарқий масала” халқаро муносабатлар тизимида ( XIX асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошида)
5. 1945-1991 йилларда совет-америка муносабатлари
6. XVIII асрда Англиянинг ташқи сиёсати
7. XVIII асрда Франциянинг ташқи сиёсати
8. XVII-XVIII асрларда Россия-Туркия муносабатлари
9. XVII-XVIII асрларда Усманийлар империяси ва Европа мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар
10. АҚШ нинг ташкил топиши ва халқаро муносабатлар
11. АҚШ халқаро муносабатлар тизимида ( XIX аср)
12. Араб халифалиги халқаро муносабатлар тизимида
13. Аҳамонийлар давлатининг ташқи сиёсати
14. Биринчи жаҳон уруши арафасида халқаро муносабатлар ва дипломатия
15. Буюк Карл (768-814) давлатининг ташқи сиёсати
16. Ғарбий Рим империясининг қулаши ва халқаро муносабатлар
17. Европада варварлар давлатларининг юзага келиши ва халқаро муносабатлар
18. Европада дипломатик хизматнинг шаклланиши (XI-XVI)
19. Европада интеграцион жараёнлар ва халқаро муносабатлар
20. Етти йиллик уруш (1756-1763) ва халқаро муносабатлар
21. Икки кутбли тизимнинг қулаши ва халқаро муносабатлар
22. Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқаро муносабатлар.
23. Империя даврида Қадимги Римнинг ташқи сиёсати
24. Қадимги Бобил халқаро муносабатлар тизимида
25. Қадимги Месопотамияда халқаро ва дипломатик алоқалар шакллари
26. Қадимги Рим ва Македония ўртасидаги муносабатлар

- 27.Қадимги Рус давлати халқаро муносабатлар тизимида
- 28.Қадимги Хетт подшолигида халқаро ва дипломатик алоқалар шакллари
- 29.Қадимги Хитойда халқаро ва дипломатик алоқалар шакллари
- 30.Қадимги Хитойда Хань империясининг ташқи
- 31.Қадимги Хитойда Чжоу давлатининг ташқи сиёсати
- 32.Қадимги Юнон-Бактрия давлати халқаро муносабатлар тизимида
- 33.Қадимги Юнонистонда Спарта ва Афина ўртасидаги рақобат
- 34.Қадимги Юнонистонда халқаро ва дипломатик алоқалар шакллари
- 35.Рим империясини парчаланиши ва халқаро муносабатлар
- 36.Рус давлати ва Византия ўртасидаги муносабатлар
- 37.Салавқийлар давлати халқаро муносабатлар тизимида
- 38.Ўрта асрларда Рим папалари дипломатияси
- 39.Ўрта асрларда Хитой халқаро муносабатлар тизимида
- 40.Фашизм ва Европада халқаро муносабатлар. Уруш ўчоғининг юзага келиши.
- 41.Феодал тарқоқлик даврида Европада халқаро муносабатлар ва дипломатия шакллари
- 42.Филипп II даврида Македониянинг юксалиши ва ташқи сиёсати
- 43.Франклар давлати халқаро муносабатлар тизимида
- 44.Франция инқилоби ва Наполеон Бонапарт даврида халқаро муносабатлар ва дипломатия
- 45.XIX аср 20-40 йилларида Европада инқилобий ҳаракатлар шароитида халқаро муносабатлар ва дипломатия
- 46.Халқаро муносабатларнинг Версаль-Вашингтон тизими
- 47.XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШнинг ташқи сиёсати
- 48.XX асрнинг иккинчи ярмида мустамлакачилик тизимининг қулаши ва халқаро муносабатлар.
- 49.XX асрнинг иккинчи ярмида халқаро можаролар ва етакчи давлатлар ўртасидаги рақобат
- 50.Юлий Цезарь ҳукмронлиги даврида Қадимги Рим ташқи сиёсати ва дипломатияси



## VII. ГЛОССАРИЙ

№	Атама	Ўзбекча	Инглизча
1	<b>Diplomatiya</b>	Юнон тилидаги " <i>diplōma</i> " Ёзув учун тахтача элчиларга берилган.	from <a href="#">Greek</a> <i>ge</i> "diploma". issued to envoys as credentials and documents,
2	<b>Determinizm</b>	Географик асосда жамиятдаги барча воқеа ва ходисаларнинг ўзаро алоқадорлигини, уларнинг сабабли боғланиши ҳақидаги таълимот.	a positive <a href="#">emotional feeling</a> that involves persevering towards a difficult <a href="#">goal</a> in spite of obstacles
3	<b>Hartlend</b>	(«Асосий ўлка») — Евросиё — «тарихнинг географик ўзаги» хартленд ичига кириб борган, лекин римлендга мансуб борлиқлар: Хитой, Монголия, Шимолий Вьетнам, Бангладеш, Афганистон	Heartland ("heartland", middle land, from heart - heart + land - earth) - massive north-eastern part of Eurasia
4	<b>Rimland</b>	"Ярим ой" — бу Шимолий ва Ғарбий Европанинг Атлантика океани қирғоқ бўйлари, Ўрта Ер денгизи хавзаси, Кизил денгиз, Форс кўрфази, Жанубий— Шарқий Осиёнинг Хинд ва Тинч океани қирғоқларини ўзида туташтирган ер - Евросиё материгининг ғарбий, ғарбий—жанубий, жанубий, жанубий— шарқий қирғоқбўйи макониدير.	The Rimland is a concept championed by Nicholas John Spykman, professor of international relations at Yale University. To him geopolitics is the planning of the security policy of a country in terms of its geographical factors
5	<b>Дидактик воситалар Didactic means</b>	ўқув фанини ўзлаштириш самарадорлигини оширувчи педагогик воситалар	these are pedagogical systems that help improve the learners' education skills

6	<p><b>Дидактик материал</b> <b>Didactic material</b></p>	<p>фойдаланилганда ўқувчиларнинг билим олишини фаоллаштириш, ўқув вақтини иқтисод қилишни таъминлайдиган ўқув машғулоту учун мўлжалланган қўлланмаларнинг махсус кўриниши</p>	<p>a special view of annuels when you are using them, you will activate your knowledge, provide to econom studying time</p>
7	<p><b>Масофавий таълим</b></p>	<p>таълимни масофавий ўқитиш усул ва воситалари орқали ташкил қилиш шакли</p>	<p>a construction of building distancial study</p>
8	<p><b>Масофавий таълим тизими</b></p>	<p>масофавий технологияларни қўллаб масофавий таълимни ташкил этиш ва амалга оширишга жалб қилинган ўқув-тарбиявий, ташкилий, телекоммуникация, педагогик ва илмий манбалар мажмуаси</p>	<p>that is a system of a construction of building distancial study</p>
9	<p><b>Масофавий ўқитиш</b> <b>Distancial studying</b></p>	<p>ахборот - коммуникация технологияси (компьютерлар, телекоммуникациялар, мультимедиа воситалари)га асосланган, тегишли меъерий хужжатлар асосида ташкиллаштирилган таълим шакли</p>	<p>that is a system of a construction of building distancial study using information technologies</p>
10	<p><b>Даосизм</b> <b>Taoism</b></p>	<p>қадимги Хитойдаги фалсафий оқимлардан бири</p>	<p>religious or philosophical tradition of Chinese origin</p>

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажегимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли

Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги “Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 792-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4680-сонли Қарори.

### Ш. Махсус адабиётлар

21. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series A: Ancient. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 871 p.

22. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series B: Middle ages. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.

23. Allison S. (Ed.). History of Europe: Series C: New Era. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1243 p.

24. Avery P. The Cambridge History of Iran. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 871 p.

25. Bayly S. The Cambridge History of India. – Cambridge: Cambridge University Press, 2020. – 1093 p.

26. Bose S. The New Cambridge History of Asia. – Cambridge: Cambridge University Press, 2 part. 2020. – 2062 p.

27. Brundage A. Going to the Sources: A Guide to Historical Research and Writing. – Oxford: John Wiley & Sons, 2017.

28. Bunch B., Hellemans A. The history of science and technology. – Boston – New York, 2004.

29. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Europe. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1487 p.

30. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Asia. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1241 p.

31. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: Africa. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 903 p.

32. Burton A. (Ed.). History of the world from ancient to modern times: North and South America. – Cambridge: Harvard University Press, 2019. – 1084 p.
33. Collins R. The Arab Conquest of Spain, 710–797. – Oxford: Blackwell Publishing, 2018.
34. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
35. Grant E. A Source Book in Medieval Science. – Cambridge: Harvard University Press, 2016. – 587 p. (Reprint).
36. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publiciations. 2015. 183.
37. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publiciations. 2015. 191.
38. Haskins C. H. Studies in the History of Mediaeval Science. – New York: Frederick Ungar Publishing, 2019. (Reprint).
39. Haskins C. H. The Renaissance of the Twelfth Century. – Cambridge: Harvard University Press, 2018. (Reprint).
40. Huntington S.P. The Clash of Civilizations and the Remaking of World Order. – New York: Simon and Schuster, 2017. – 358 p.
41. Mahmudov O. The beginning of the European renaissance // International Journal of Research and Development. 2020. – Vol. 5 (7). Pp. 104-108. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4787>
42. Makhmudov O.V. The Toledo School – early center of investigation of the works Central Asian scholars in the Europe. – Saarbrucken: Lambert Academic Publishing, 2017. – p. 193.
43. Roberts J.M., Westad O.A. The History of the World. – Oxford: Oxford University Press, 2020. – 1260 p.
44. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 1. From Homer to Omar Khayyam. – Oxford: John Wiley & Sons, 2019. (Reprint).
45. Sarton G. Introduction to the History of Science. – Vol. 2. From Rabbi ben Ezra to Roger Bacon, Parts I-II. – Baltimore: Carnegie Institution of Washington, 2020. (Reprint).
46. Starr F. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. – Princeton: Princeton University Press, 2015.
47. Thorndike L. A. History of magic and experimental Science. – New York: Columbia University Press, 2019. – 835 p. (Reprint).
48. Watt W. M. The influence of Islam on medieval Europe. (Islamic Surveys 9). – Edinburgh: Edinburgh University Press, 2020. (Reprint).
49. Айдын Ариф оглы А. Хроники мусульманских государств I – VII веков хиджры. – Москва: Умма, 2018. – 448 с.
50. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т. I. История и историческое сознание. – Т.: Узбекистон, 2008.  
Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
51. Большаков О. Г. История Халифата. – Т. 4. Апогей и падение арабского Халифата. – Москва: Восточная литература, 2018. – 368 с.

52. Габриэльян С. И. История стран Азии и Африки в новое время. – Ташкент, 2012.
53. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
54. Европа мамлакалари ва АҚШ 1640–1918 йилларда. / А.Холлиев таҳрири остида. – Тошкент: Университет, 2010.
55. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
56. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1918 – 1945 гг. / под ред. Н.А.Родригес. – Москва, 2014.
57. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. / под ред. Е.Языкова. – Москва: Наука, 2015.
58. История новейшего времени стран Европы и Америки в 1945 – 2000 гг. II часть / под ред. Н.А.Родригес. – Москва: Наука, 2014.
59. История средних веков. / под ред. С.П.Карпова. – 1-2 ч. – Москва: МГУ, 2018.
60. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
61. Йегер О. Всемирной истории. Том 1. Древний мир. – М.: Directmedia, 2020. – 1044 с.
62. Йегер О. Всемирной истории. Том 2. Средние века. – М.: Directmedia, 2020. – 905 с.
63. Йегер О. Всемирной истории. Том 3. Новая история. – М.: Directmedia, 2020. – 809 с.
64. Йегер О. Всемирной истории. Том 4. Новейшая история. – М.: Directmedia, 2020. – 878 с.
65. Казакова В.Н. История средних веков. – Москва: Litres, 2018.
66. Лученкова Е., Мядель А. История науки и техники. – М.: Litres, 2017. – 431 с.
67. Моммзен Т. История Рима. – М.: Litres, 2020. – 591 с.
68. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
69. Немировский А., Никишин В., Ладынин И., Новиков С. История древнего мира. Восток, Греция, Рим. – М.: Litres, 2020. – 786 с.
70. Проблемы истории и междисциплинарного синтеза. – М.: Litres, 2019. – 561 с.
71. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент: Узбекистан, 2009.
72. Русина Ю.А. Методология источниковедения. – Екатеринбург, 2015.
73. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнида кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
74. Ханников А. Техника: от древности до наших дней. – М.: Litres,

2020. – 384 с.

75. Шейпак А. История науки и техники. – М.: Litres, 2020. – 513 с.

#### IV. Интернет сайтлар

76. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:  
www.edu.uz.

77. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz

78. www. Ziyonet. Uz

79. Открытое образование. <https://openedu.ru/>

80. <https://www.ucl.ac.uk/ioe/courses/graduate-taught/mathematics-education-ma>

81. <https://www.onlinestudies.com/Courses/Mathematics/Europe/>

82. <https://online-learning.harvard.edu/catalog?keywords=mathematics&op=Search>

83. <https://www.msu.ru/en/projects/proekt-vernadskiy/news/math-teachers-advanced-training.html>


84. <https://english.spbu.ru/education/graduate/master-in-english/90-program-master/2455-advanced-mathematics>

#### ТАҚДИМОТЛАР









1.

**2. Германиянинг бирлашуви.**



3.

4.



5.

6.




## 7. Буюк Британия




8.

**9. Самуэль Хантингтон дипломатияга цивилизацион ёндашувнинг асосчиси.**



10.

**11. НАТО ҳарбий блоки азолари**



12.

### 13. Хитойнинг геофизик харитаси